201__ A
nomidagi
O'zbekiston MK

Ҳақиқий журналист
ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақиқатни айтиши керак
3

Ислом цивилизацияси маркази
4

Бола қадри, иқтидори ва тарбияси
5


Мактаб директорлари нега ишдан бўшатилди?
7

№52-53
2019-yil, 2-iyul
Seshanba (32.543)

O'zbekiston ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 июль куни геология соҳасини янада ривожлантириш, геологик қидирув ва қазиб олишни кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда саноатлаштириш мумкин бўлган 73 турдаги фойдали қазилма захирасига эга 2 мингдан зиёд кон бор. Шундан 437 таси ўзлаштирилмаган. Янги истиқболли конларни ўрганиш етарли даражада эмас. Қидирув ишларига жалб қилинаётган техникаларнинг 70 фоизи эскирган.

Соҳага инвестициялар жалб қилиб, қайта ишлашни йўлга қўйиш ишлари ҳам сустлиги қайд этилди. Бугунги кунда 111 та истиқболли коннинг атиги 14 тасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида 39 миллион долларлик 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда, холос.

Йиғилишда геология-қидирув ва қазиб олиш ишлари учун белгиланган солиқ ставкаларини оптималлаштириш, бюджет маблағлари самарадорлигини ошириш, тармоққа хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш бўйича вазифалар белгиланди.

Геология-қидирув ишларини молиялаштириш тизимини ислоҳ қилиш, хорижий экспертларни жалб этиб, энг илғор тажрибани амалиётга жорий қилиш зарурлиги таъкидланди. 2020-2021 йилларга мўлжалланган мутлақо янги форматдаги қидирув ишлари дастурини шакллантириш, соҳанинг моддий-техник базасини янгилаш бўйича топшириқлар берилди.

Минерал хомашё базасини халқаро стандартлар асосида баҳолаш, жумладан, конлар захираларини JORC кодекси талаблари асосида ҳисоблаш ва маълумотлар очиқлигини таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига янги инвестиция лойиҳалари портфелини шакллантириш ҳамда уларни ўз веб-сайтларига жойлаштириш, хорижда бизнес тадбирлар ва роуд-шоулар ташкиллаштириш орқали салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш вазифаси қўйилди.

Вольфрам, графит каби талаб юқори хомашёлар бўйича инвестиция жалб қилиб, камида 20 та лойиҳани амалга ошириш юзасидан топшириқ берилди.

Соҳадаги бугунги ҳолат ва йиғилишда қўйилган вазифалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли фарзандларим!

Сиз, азиз ўғил-қизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни юртимизда кенг нишонланаётган Ёшлар куни билан чин қалбимдан табриклайман.

Ушбу қутлуғ айёмда барчамиз ёшлик инсон умрининг нақадар гўзал ва беғубор фасли, улкан орзу-умидлар, беқиёс имкониятлар даври эканини янада чуқур ҳис қилиб, сиз, навқирон фарзандларимизга энг эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

Ўтган қисқа даврда жамиятимиз ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллаган бу байрам **давлатимиз, халқимиз ўз фарзандларининг бахти ва камоли учун ҳеч нарсани аямаслигини, мамлакатимиз ёшлари ҳам Ватанимиз равнақи учун хизмат қилишни ўз ҳаётининг мазмуни деб билишини яққол ифода этмоқда.**

Ҳақиқатан ҳам, ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Буни кейинги икки йилда шу соҳага оид 3 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг ўнлаб фармонлари, қарор ва фармойишлари қабул қилингани ҳамда шу асосда улкан ишлар амалга оширилгани ҳам яққол тасдиқлайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, ҳудудларда эса ҳокимлар раислигида Ёшлар масалалари бўйича идораларо кенгашлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ва «Ёшлар клуби» иш бошлади.

Йигит-қизларимизнинг бизнес лойиҳалари учун **«Ёшлар – келажагимиз»** жамғармаси томонидан бугунги кунга қадар 692 миллиард 400 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, 25 мингга яқин янги иш ўрни яратилгани, республикамиз бўйича 125 та «Ёшлар меҳнат гузари», 19 та «Ёш тадбиркорлар» коворкинг маркази фойдаланишга топширилгани айниқса эътиборлидир.

Юртимизда ташкил этилаётган янги-янги боғчалар, мактаблар, олий ўқув юртлари, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, маданият ва спорт иншоотлари, «Темурбеклар мактаби», «Президент мактаблари», «Ижод мактаблари» деб ном олган мутлақо янги намунадаги таълим масканлари бугунги глобаллашув шароитида рақобатга қодир бўлган етук кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Кейинги пайтда умумхалқ ҳаракатига айланиб бораётган беш ижобий ташаббуснинг мазмуни ва аҳамиятини ёшларимиз чуқур тушуниб, уни амалга оширишда фаол иштирок этаётганини биз албатта юксак баҳолаймиз. Бу йўналишда амалга оширилаётган катта қурилиш ва ободончилик ишлари билан бирга, «Ёшлар кутубхонаси» туркумидаги 470 минга бадиий адабиёт республикамиздаги барча мактаблар ҳамда Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгашларига бепул тарқатилгани муҳим аҳамиятга эга.

Ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилган шароитлар ҳам бугун ўзининг амалий натижасини бермоқда. Бунинг тасдиғини ёш спортчиларимиз халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, 520 та олтин, 544 та кумуш, 588 та бронза медалига сазовор бўлганида ҳам кўриш мумкин.

Азму шижоатли, навқирон йигит-қизларимизнинг ўз соҳасида, жамоат ишларида эришаётган ютуқларини муносиб рағбатлантиришга давлатимиз томонидан катта аҳамият берилмоқда.

Масалан, ўтган йили ана шундай ватанпарвар, фидойи юзлаб ёшларимиз «Дўстлик» ордени ва «Шуҳрат» медали, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Келажак бунёдкори» медали, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мукофоти билан тақдирланди. Яна 28 нафар азамат йигитимиз янги таъсис этилган «Мард ўғлон» давлат мукофотига сазовор бўлди. Бугун уларнинг сафларига яна бир гуруҳ фаол ёшларимиз қўшилаётгани барчамизни қувонтиради.

Азиз фарзандларим!

Ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, айниқса, уларнинг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, оилавий ажримлар, ўсмирлар орасида жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида ёшлар жиноятчилиги 2018 йилга нисбатан 37 фоизга камайгани, адашиб хато йўлга кирган, ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган 599 нафар шахс Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида суд залидан озод қилиниб, уларга енгил жазо турлари тайинлангани жамиятимизда кечиримлилик, меҳр-оқибат ва ўзаро ишонч муҳитини кучайтириш йўлидаги янги қадамдир.

Биз ёшларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги демократик жараёнларда фаол иштирок этишига, уларнинг сиёсий ва ижтимоий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Бу борада ўз сафларида 7 миллион 680 минг аъзони бирлаштирган Ёшлар иттифоқи томонидан жойларда олиб борилаётган ишларни эътироф этган ҳолда, уларни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлаш жоиз. Айниқса, бу йил мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларда чуқур билим, қатъий гражданлик позициясига эга бўлган ёшларимиз фаол қатнашиб, вакиллик органларида муносиб ўрин эгалласа, бу нафақат ёш авлоднинг, балки бутун халқимиз манфаатларини таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Қадрли ёш дўстларим!

Бугунги нотинч ва таҳликали замонда ёшларнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган турли хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётганини барчангиз яхши биласиз. Уларга қарши курашишда халқимизнинг бой тарихи ва маданияти, буюк аждодларимиз жасорати, жонажон Ўзбекистонимизнинг миллий манфаатлари биз учун куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан «Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияни ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилгани **жаҳолатга қарши – маърифат** тамойили асосида олиб бораётган кенг кўламли ишларимизнинг узвий бир қисми бўлиб, у ер юзидаги икки миллиарддан зиёд ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Биз Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этишга маҳкам бел боғлаган эканмиз, бу улуғ ишни эртага эмас, бугун бошлашимиз, бунинг учун аввало навқирон ёшларимизга зарур шароитларни айнан бугун яратиб беришимиз керак.

Шу муносабат билан сизларни ишонтириб айтмоқчиман: биз ёшларнинг орзу-интилишлари, илғор ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш мақсадида бошлаган ишларимизни наинки давом эттирамиз, балки уларни янги, янада юксак босқичга кўтарамиз.

Азиз ўғил-қизларим!

Бугун биз ўз олдимизга қўйган улкан ва масъулиятли вазифалар бутун халқимиз каби сизлардан ҳам ҳар томонлама катта тайёргарлик ва сафарбарликни талаб этмоқда.

Ишончим комил, сизлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаб, ўз амалий ишларингиз, ғайрат-шижоатингиз билан жонажон Ватанимизга муносиб, садоқатли фарзандлар бўласиз.

Сизларни Ёшлар куни билан яна бир бор қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, шахсий ва ижтимоий ҳаётингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ёшларнинг орзу-интилишларини, илғор ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш юксак босқичга кўтарилмоқда

Пойтахтимиздаги «Ҳумо арена» спорт саройида 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, турли соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритиб, юртимиз шуҳратини дунёга танитаётган, ҳар жабҳада фаол ёшлар қатнашди.

Президентимизнинг Ўзбекистон ёшларига йўллаган байрам табригини Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўқиб эшиттирди.

Табрикда ёшларнинг орзу-интилишлари, илғор ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш мақсадида бошланган ишлар нафақат изчил давом эттирилиши, балки янги, янада юксак босқичга кўтарилиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуронбоев ва Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги туфайли бугунги ёшлар замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаб, инновацион ташаббуслари, ғайрат-шижоати, эришаётган ютуқлари билан Ватанга муносиб, садоқатли фарзандлар бўлиб етишаётганини қайд этди.

Давоми 2-бетда. ▶

МУНОСАБАТ

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК

ҳаётимиз мезонига айланиб бормоқда

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Наманган ҳақиқати» газетаси Бош муҳаррири, халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Бу йилги Матбуот ва оммавий ахборот воситалари байрами кўтаринки руҳда кутиб олинди. Боиси айни бир кунда, яъни 27 июнда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан соҳа ходимларига байрам табриги йўлланди, касбдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармонга, шунингдек, «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекилди. Салкам қирқ беш йилдан бери журналистика соҳасида фаолият олиб бораётган бўлсам, ҳали бунақасини Ўзбекистон тарихида кузатмаган эдим.

Халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг экспертлари эътироф этаётганидек, Ўзбекистон Республикаси кейинги уч-тўрт йилдан бери очиқлик сиёсатини муваффаққиятли амалга ошириб келмоқда. Шу йилнинг ўзида бир қатор хорижий ахборот агентликларининг мухбирлари аккредитациядан ўтказилди, фуқароларимиз хорижий веб-сайтлардан очиқ фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Ўтган ҳафта қабул қилинган Президент қарори ҳам мазкур йўналишдаги чора-тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бугунги замон ва ислоҳотлар шиддати анча-мунча одамни шошириб қўймоқда. Табиийки, бу жараёнда ислоҳотлар мақсади, мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, унинг натижалари ҳақида тўлиқ ва тезкор ахборот етказиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, воқеа-ҳодисаларга холис муносабат билдириш, журналистларга соҳа фаолияти билан боғлиқ зарур ахборотларни тақдим қилишда ахборот хизматларининг ўрни беқиёсдир.

Қайд этиш лозимки, ахборот хизматлари фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга эҳтиёж сезилаётган эди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори давлат ва жамият ўртасида сифатли мулоқотни йўлга қўйиш, давлат, хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти шаффофлигини ошириш, шу билан бирга, мазкур йўналишдаги муаммоларга ечим топишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади, албатта.

Чунки матбуот котиби бир вақтнинг ўзида давлат органи ва ташкилотининг ахборот сиёсати масалалари бўйича раҳбарнинг маслаҳатчисига, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра эса раҳбарнинг ўринбосарига тенглаштирилмоқда. Бундан ташқари, ахборот хизматлари ходимларининг лавозим маошларига бошқа тўловлардан қатъи назар, 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ойлик устама тўланиши, моддий-техник воситалар билан мустаҳкамланиши, ўйлайманки, келгусида ахборот хизматларининг фаолиятини янада жонлантириш ва ривожлантиришда ўз самарасини беради.

Ушбу қарорнинг аҳамиятли жиҳатларидан яна бири — туман ва шаҳар ҳокимликлари тузилмаларида ҳам ахборот хизмати ташкил этилиши белгиланганидир. Маълумот ўрнида қайд этиш керакки, бугунги кунда Наманган вилояти, Наманган шаҳар ва Янгиқўрғон тумани ҳокимликларида ахборот хизмати фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу қарордан сўнг қолган туманлар ҳокимликларида ҳам ахборот хизмати ташкил этилади. Бу нима дегани?

Мазкур қарорда ахборот хизматларининг асосий вазифалари белгиланди. Демак, шаҳар ва туманлар ҳокимликларида ахборот хизматлари ташкил этилса, ўз навбатида, уларнинг расмий веб-сайтлари фаолияти жонланади, шаҳар ва туманлар кесимида ҳам брифинглар, медиатурлар ва матбуот анжуманлари йўлга қўйилади, ижтимоий сўровлар ўтказилади ва бошқа шаклларда жамоатчилик фикри ўрганилади.

Хулоса қилиб айтганда, Президент қарори ахборот хизматлари давлат, хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти очиқлиги ва ошкоралигининг таъминланиши, давлат ва жамият ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини ўташи учун зарур ҳуқуқий асосни яратиб бермоқда.

Мақсад аниқ, режалар ҳаётий, ҳаракат астойдил бўлса, одамларга фойдамиз тегади

«Ўзимизни ишлаётгандек кўрсатиш билан ҳеч нимага эриша олмаймиз»

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Қорақалпоғистон Республика, Тошкент шаҳар ва вилоят кенгашлари масъуллари иштирокида видеомулоқот семинари ўтказди. Икки кун давом этган семинарда соҳа мутахассислари иштирок этиб, сайлов технологиялари, амалга ошириш услублари хусусида атрофлича маълумот берди. Шунингдек, иштирокчилар Президентимизнинг Олий Мажлис Сенати йиғирманчи ялпи мажлисидаги нутқида белгиланган вазифаларни ҳам муҳокама қилишди.

Давоми 3-бетда. ▶

Ватанимизга муносиб, садоқатли ёшлар вояга етмоқда.

Ёшларнинг орзу-интилишларини, илғор ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш юксак босқичга кўтарилмоқда

Мамлакатимиз ёшларини қўллаб-қувватлаш, маънан етук, жисмонан соғлом, интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни тарбиялаш бўйича ягона тизимни яратиш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йил 30 июнь куни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қайта ташкил этилган эди.

Ўтган вақт давомида бу янги тузилма мамлакатда ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини оширишга хизмат қилиб, йигит-қизларнинг таянчига айланиб улгурди.

Бунда, албатта, тизимга доир қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим омил бўлмоқда. Айтиш жоизки, кейинги икки йилда қабул қилинган 3 та қонун, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатлари асосида Бош вазир, ҳудудларда эса ҳокимлар раислигида Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгашлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ва «Ёшлар клуби»иш бошлади.

Ёшлар иттифоқи аъзолари 7 миллион 680 мингдан, «Камалак»болалар ташкилоти аъзолари эса 3 миллион 600 мингдан ортди.

Ўтган давр давомида ташкилот томонидан ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий онгини ошириш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, бандлигини таъминлаш, йигит-қизларни юқори лавозимларга тайинлаш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш, имконияти чекланганларга кўмак бериш борасида самарали лойиҳалар ташкил этилди.

Ёшлар иттифоқи қошида турли йўналишларда 26 ташкилот тузилиб, самарали фаолияти йўлга қўйилди. Республика ёш ижодкорлар, ёш олимлар, ёш фермерлар кенгашлари, Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш, Имконияти чекланган ёшлар ва болалар марказлари, «Ёшлар» нашриёт уйи каби ташкилотлар бугунги кунда йигит-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган халқ билан мулоқот доирасида «Ёшлар қабулхоналари»ташкил этилиб, ўтган вақт мобайнида 16,5 мингга яқин мурожаат юзасидан кўплаб муаммолар ҳал қилинди.

Йигит-қизларнинг бизнес лойиҳалари учун «Ёшлар — келажагимиз» жамғармаси томонидан бугунги кунга қадар 692 миллиард 400 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, 25 мингга яқин янги иш ўрни яратилди, республикамиз бўйича 125 та «Ёшлар меҳнат гузари», 19 та «Ёш тадбиркорлар» коворкинг маркази фойдаланишга топширилди.

Ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларини имтиёзли асосда олий ўқув юртларига қабул қилиш ва шундай талабаларга шартнома пулининг 35 фоизини, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга 50 фоизини тўлаб бериш, ёш оилаларга уй олиш учун 20 йиллик муддатга имтиёзли кредит бериш тизими йўлга қўйилган. Тизимда фаолият юритаётган 242 ходимга имтиёзли кредит асосида автомобиллар берилди.

Ёшлар бандлигини таъминлашнинг илғор тажрибаси сифатида 190 касб-ҳунар коллежи негизида «Ёшлар марказлари»ташкил этилиб, 26 йўналишда тил ва касб-ҳунарга ўрга-

◄Давоми, бошланиши 1-бетда.



тиш бўйича бепул тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда мазкур тўгаракларда 80 мингга яқин йигит-қиз билимини мустаҳкамлаб, касб-ҳунар эгалламоқда. Ушбу тўгарак аъзолари орасида боқувчисини йўқотган, уюшмаган, ИИБ идораларида рўйхатда турувчи, имконияти чекланган, кам таъминланган оила фарзандлари ва бошқалар бор. Шунингдек, чет давлатларга ишлаш учун бориш истагида бўлган ёшлар учун рус тили, инглиз тили ва хорижий давлатларнинг меҳнат қонунчилиги бўйича 209 бепул тўгарак ташкил этилган.

Тузилма ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни кескин камайтириш, уларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида «Қонун ва адолат — устувор, жиноятга жазо — муқаррар» принципи асосида фаолият юритиб келмоқда. 2019 йил май ойи ҳолатига кўра, ҳамкорликда амалга оширилган профилактик тадбирлар натижасида соғлом турмуш тарзига қайтганлиги учун 6 минг 383 вояга етмаган ва 2 минг 944 ота-она ички ишлар идоралари профилактик ҳисобидан чиқарилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ёшлар жиноятчилиги 2018 йилга нисбатан 37 фоизга камайгани, адашиб хато йўлга кирган, ўз қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган 599 нафар шахс Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида суд залидан озод қилиниб, уларга енгил жазо тури тайинлангани жамиятимизда кечиримлилик, меҳр-оқибат ва ўзаро ишонч муҳитини кучайтириш йўлидаги янги қадамдир.

Бундан ташқари, ўтган икки йил давомида ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни қийнаётган муаммоларини ҳал этиш мақсадида «Ҳоким ва ёшлар», «Прокурор ва ёшлар», «Суд ва ёшлар», «Депутат ва ёшлар» мавзуларида очиқ мулоқотлар ўтказилиб, йигит-қизларнинг муаммолари ижобий ҳал этилди.

Ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун яратилган шароитлар ҳам бугун ўзининг амалий натижасини бермоқда. Бунинг тасдиғини ёш спортчиларимиз халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, 520 олтин, 544 кумуш, 588 бронза медалига сазовор бўлганида ҳам кўриш мумкин.

Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг мазмуни ва аҳамиятини ёшларимиз чуқур тушуниб, уни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши ҳисобидан 10 миллиард сўм маблағ ажратилиб, «Ёшлар кутубхонаси» рукни остида 47 номдаги жами 470 минг дона бадиий китоб нашр этилди ва республикадаги барча мактаблар, ташкилотнинг маҳаллий кенгашларига бепул тарқатилди.

Ёшларда китобхонлик кўникмаларини шакллантириш, уларда китобга бўлган меҳрни уйғотиш мақсадида 2 маротаба «Ёш китобхон» республика танлови ўтказилди. Танлов ғолибларига жами 5 дона Президент совғаси — «Spark» автомашинаси топширилди.

2019 йилги мавсумда 1 миллион 210 мингдан зиёд йигит-қизнинг танловда иштирок этиш учун мурожаат қилгани китобхонликка бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганидан далолат. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг олис ҳудудларида ҳам ёшлар китобхонлигини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Кўчма кутубхоналар» (Библиобус) фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди.

Институтнинг ташкил этилиши мамлакатда ёшлар муаммоларини ўрганиш, мазкур йўналишда таҳлилий ва илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш, истиқболли ёш кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини оширишга қаратилган ягона тизим яратилишига олиб келди.

Институтда 2017-2019 йилларда 4 ойлик қайта тайёрлаш курслари орқали кўплаб ёшларнинг малакаси оширилди. Эътиборлиси, битирувчилар вазирлик, идора, ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимликларнинг юқори лавозимларида ишлаб келмоқда. Ҳозирги кунда институтда 55 нафар йигит-қиз таҳсил олмоқда. Бундан ташқари, институтда таълим муассасаларидаги, ҳарбий қисмлардаги бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда вазирлик, ташкилот ва идоралардаги етакчилар кенгаши раислари учун 1 ойлик малака ошириш ўқув курслари ташкил этилган.

Тузилма халқаро майдонда ҳам ўз ўрнига эга бўлмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегациясининг Хитой Халқ Республикасига ташрифи амалга оширилди ва бир қатор натижаларга эришилди. Хусусан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) Ёшлар кенгашининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ШҲТ Ёшлар кенгашига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш, турли соҳаларда самарали фаолият юритаётган, юқори натижаларга эришиб, тенгдошларига ўрнак бўлаётган йигит-қизларни рағбатлантириш мақсадида «Мард ўғлон»давлат мукофоти ва «Келажак бунёдкори» медали таъсис этилди.

Ўтган йили ватанпарвар, фидойи юзлаб ёшлар «Дўстлик» ордени ва «Шуҳрат», «Келажак бунёдкори» медаллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мукофоти билан тақдирланди. Илк бор 2018 йилда 28 нафар йигит янги таъсис этилган «Мард ўғлон»-давлат мукофотига сазовор бўлган эди. Бугун улар сафига яна шунча мард ўғлон қўшилди.

— Бу мукофот Президентимизнинг, давлатимизнинг бизга билдирган катта ишончидир, — деди ЎзРФА Математика институти таянч докторанти Шомурод Шопўлатов. — Албатта, Ватан тараққиётига хизмат қилишдек бурчимизни шараф билан адо этишда шундай юксак эътибор бизга куч-қувват бахш этади, янги марралар сари ундайди, илҳомлантиради.

Тадбирда таниқли санъат усталари, ёш хонандалар ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Хуршид ҚОДИРОВ,
ЎзА мухбири.

Қарор ва шарҳ

Ахборот хизмати раҳбари мавқеъи ва масъулияти ошади

Мехрожиддин ДАРХОНОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, ахборот, ундан фойдаланиш, таҳлил қилиш ва тезкорлик билан тарқатиш имконияти замонавий жамиятда инсон камолотининг асосий шартидир. Сўз ҳамда фикрлаш эркинлигини қонуний асосда кафолатлаш ҳуқуқий демократик давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу фикрлар ва қарашлар хилма-хиллигини, фуқароларнинг демократик жараёнларда тўлақонли иштирокини таъминлайди.

Президентимизнинг жорий йил 27 июнда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда сўз эркинлигини таъминлаш, ахборот ва оммавий коммуникациялар соҳасини бошқариш тизимини қайта ташкил қилиш, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этди. Қарор оммавий ахборот воситалари, хусусан, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини янада ривожланиши учун хизмат қилади. Қарорда бир қатор вазифалар ва матбуот хизматлари учун имтиёзлар кўзда тутилган. Масалан, ахборот хизмати раҳбари бир вақтнинг ўзида давлат органи ва бошқа ташкилот раҳбарининг матбуот котиби ҳисобланади ҳамда ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси мақомига эга бўлади, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитларига кўра давлат органи ва бошқа ташкилот раҳбарининг ўринбосарига тенглаштирилади. Бу эса давлат ва хўжалик органи фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни тезкор ва холис маълумот билан таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, қарорда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ахборот хизматлари ходимлари ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида, уларнинг лавозим маошларига бошқа ҳар қандай тўловлардан қатъи назар давлат бюджети ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ойлик устама тўланадиган бўлди. Бу ҳам жойларда фаолият кўрсатаётган ахборот хизмати раҳбарларининг фаолиятини ривожлантириш, малакали мутахассисларни жалб қилиш имконини беради десак муболаға бўлмайди. Очиғини айтиш керак, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган ахборот хизматларининг иши қониқарли эмас. Улар ўзларининг вазифаларидан ташқари, ташкилотнинг бошқа ишларига ҳам жалб қилинаётгани сир эмас. Мазкур қарор билан ахборот хизматининг вазифалари, бурч ҳамда мажбуриятлари ташкилотнинг бошқа бўлим ва бўлинмаларига юкланишига йўл қўйилмайдиган бўлинди. Улар фақат ахборот бозорига ўз ташкилоти ҳақида таҳлилий-танқидий маълумотлар тарқатиб боради. Улар оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан алоқалар ўрнатиб, веб-ресурслар ва ижтимоий тармоқларда давлат органлари фаолияти имижини яратади.

Мазкур қарорнинг аҳамиятли томонларидан бири, ахборот хизматларига устувор равишда журналистика соҳасида олий маълумотга эга бўлганлар ишга олиниши шартлиги белгилаб қўйилгани бўлди.

Шунингдек, ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари хулосаси асосида лавозимга тайинланади. Ҳар уч йилда белгиланган тартибда Агентликда аттестациядан ўтказилади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор матбуот хизматларининг давлат органлари ва жамият ўртасидаги ишончли кўприк сифатида самарали фаолиятини таъминлаш, матбуот котибларининг мавқеини ошириш орқали, мамлакатимиз ахборот соҳасини ривожлантиришга замин яратилади.

МУНОСАБАТ

Ҳа, яна ўша гап. Журналист, оммавий ахборот воситаси ходими йил давомида ҳар куни, ҳар соатда, керак бўлса ҳар дақиқа ва сонияда оммани ахборот билан таъминлайди. Халқ дардини ёзади, давлат сиёсатини тарғиб қилади. Ёзнинг қайноқ палласига келганда эса қалам аҳлининг шаънига илиқ гаплар айтилади, улар алқаб, қадрланади. Бундан руҳланган, куч олган журналистлар яна йил давомида ғайратга тўлиб, ишлашда давом этади. Бу ўзимизнинг орамиздаги гаплар.

Журналистнинг асосий қуроли *бу — ҳақиқат, холислик ва адолатдир*

Масалага жиддийроқ ёндашадиган бўлсак, сўнгги йиллардаги ўзгаришлар журналистикани ҳам четлаб ўтмаяпти, албатта. Сўз ва фикр эркинлиги тушунчаси сабаб бугун гапирмаганнинг «тили чиқди», тили борларнинг «қаноти». Гўёки улар ўз сўзлари, фикрлари билан учиб юргандек.

Кези келганда бир гапни айтмоқчиман. Ҳар гал кимлар учундир муносабат ёзганимда, ўз фикрим, шарҳларим остига депутатми, партия фаолими исм-шарифини қолдиришга тўғри келганда алам қилгани рост. Бугун ушбу қайдларни ўз номимдан ёзар эканман, ўзгаришларга, янгиланишларга бефарқ эмаслигимни, революцияга эмас, эволюцияга ҳамиша тайёрлигимни, халқ манфаати, жамият тараққиётига хизмат қилувчи ҳар қандай эврилишга ҳамнафаслигимни билдирмоқчиман. Айниқса, куни кеча давлатимиз раҳбарининг табриги ва 27 июндаги қарори ҳамкасбларимиз фикрларига, ишларига қанот бўлди, десам ҳеч ҳам муболаға бўлмайди.

Президент табригида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани қайд этилган. Соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, миллий медиа маконда турли мулк шакли ҳамда сиёсий-ижтимоий йўналишдаги оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратилаётганига ургу берилган.

Асосийси, барча даражадаги раҳбар ва мутасаддилар эл-юрт фикри, замон талаблари билан ҳисоблашишга ўрганмоқда. Бундай мулоқот тараққиётимизни таъминлайдиган энг асосий омиллардан бири саналади. Лекин ҳар қандай ахборот ҳам танқидга сабаб бўлмаслиги ёки ҳар бир яхши, деб ўйлаганимиз ҳам мақтовга арзимаслиги мумкин. Шунинг учун бир ҳақиқат доим ёдимизда бўлиши шарт. Яъни, ахборот майдонидаги турли баҳс ва тортишувлар, энг аввал, ҳаққонийлик, холислик тамойилларига асосланиши зарур. Шу билан бир қаторда, унинг қонун ҳамда одоб қоидалари доирасида бўлиши, шахсий ғараз ёки хусуматга, сохта обрў орттириш усулига айланиб кетмаслиги керак.

Тўғри, ҳамма ҳам гапириши, танқид қилиши, камчиликларни айтиши мумкин. Лекин ҳар бир гапни ўз ўрнида, жойида, шахсий манфаатсиз, ҳиссётларга берилмасдан айта олиш ҳақиқий санъат аслида...

Журналистни улкан ва чексиз ахборот уммонидаги қайиқчига ўхшатаман. У эшкакларни бир хилда эшиши зарур. Ана шунда у тўғри ва узоқ вақт сузиши, кўзланган манзилга оғишмай етиб бориши мумкин. Зотан, журналистнинг асосий қуроли — бу ҳақиқат, холислик ва адолатдир.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
журналист.

ЭЪТИРОФ ВА ЭЪТИБОР *ижодкор учун энг катта мукофот*

Баҳром ОБИДЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Кўп бора айтилаётган бўлса-да, сўзим аввалида яна бир карра таъкидламоқчиман. Сўнгги икки-уч йил мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятида туб бурилиш даври бўлди. Телеведение ва радионинг мундарижаси ўзгарди, хусусий телеканаллар кўпайди. Газеталар ўткирлашди. Интернет нашрлари аудиторияси кенгайиб бормоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган байрам табригида ҳам бундай ижобий ўзгаришлар, журналистларимизнинг фаоллиги алоҳида таъкидлангани ижодкорларга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Жумладан, кейинги пайтларда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида ҳаётимиздаги ижобий ўзгаришлар таҳлили ошиб бораётгани яққол сезилмоқда. Бу ўзгаришлар ислоҳотларимиз самарадорлигини оширишга, фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришга хизмат қилади, дейилади табрикда.

Бу эътироф, албатта, оммавий ахборот воситаларининг бугунги фаолиятига берилган юксак баҳодир. Шу ўринда бундай ютуқларга айнан давлатимиз раҳбари томонидан соҳага қаратилаётган юксак эътибор натижасида эришилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Маълумки, сўнгги йилларда ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, хусусан, соҳанинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, журналистлар тайёрлайдиган олий ўқув юртини ташкил этиш, таҳририятларнинг моддий-техник базасини кучайтириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида мазкур соҳада 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар ОАВ фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу каби саъй-ҳаракатлар натижаси сифатида оммавий ахборот воситаларининг сон ва сифат кўрсатгичлари тобора юксалиб бормоқда.

Маълумки, Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситалари умумий миқдорининг 64,4 фоизи нодавлат тузилмалари ҳисобланади. Ҳозирги кунда миллий телеканаллар тармоғи кенгайиб бораётгани ҳам фикримизга ёрқин мисолдир. Масалан, «Mahalla», «Дунё бўйлаб», «Маданият ва маърифат», «Оилавий», «Ўзбекистон-24», «Кинотеатр», «Болажон», «Менинг юртим» – «MY5», «Uzreport TV», «Milliy», «Zo`r-TV», «Sevimli», «Футбол-ТВ» каби янги телеканаллар очилиб, ўз мухлисларига эга бўлди.

Мустақил ОАВ фаолияти самарадорлигини оширишда Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ҳар йили ўтказиладиган грант танловлари ҳам катта аҳамият касб этади.

Айтиб ўтиш жоизки, Жамоат фонди томонидан ўтказиладиган грант танловларида иштирок этган ва ютган ОАВ сони ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ўз навбатида, ОАВ фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган грант маблағлари суммаси ҳам тегишли равишда ортаяпти.

Умуман, сўнгги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари давлат ва халқни бир-бирига боғлайдиган мустаҳкам кўприкка айланмоқда. Бугун журналистларимиз жамиятимиздаги ҳар қандай муаммони адолатли ва холис тарзда қўрқмай қаламга олишмоқда. Аҳамиятлиси эса, айнан журналистиканинг таъсири билан жуда кўплаб муаммоларга ижобий ечим топиляпти.

Президентимиз соҳа ходимларини самимий табриклаш баробарида оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий матбуотимиз халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашига эришиш, интернет журналистикасини ривожлантириш, ноширлик иши, китоб савдоси, обуна масалаларида бозор механизмларини кенг жорий этиш, очиқлик ва соғлом рақобат муҳитида ишлашни йўлга қўйиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдириб ўтди. Бу эса, ўз навбатида, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини янада мустаҳкамлаш, журналистларнинг машаққатли меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш борасида олиб бораётган хайрли ишлар изчил давом этишидан дарак беради.

Қалам аҳли учун маънавий рағбатдан, эътирофдан ортиқроқ мукофот йўқ. Кўз нури, қалб қўри ила ёзилган мақолалар, тайёрланган кўрсатувлар муштарийлар ва телетомошабинлар томонидан юқори баҳоланиши, эътироф этилиши ижодкор кўнглини осмон қадар юксалтириб юборади.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг соҳа ходимларига табрик йўллаши, уларнинг машаққатли меҳнати ва изланишларини юксак баҳолаши, эътироф этиши барча қалам аҳлига ғурур-ифтихор, янги куч-ғайрат, ижодий кўтаринкилик бахш этди.

Бугун замоннинг талаби бошқа...



Мақсад аниқ, режалар ҳаётий, ҳаракат астойдил бўлса, одамларга фойдамиз тегади

«Ўзимизни ишлаётгандек кўрсатиш билан ҳеч нимага эриша олмаймиз»

Улуғбек ИНОЯТОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси:

— Бугунги кун кечагисидан тубдан фарқ қилади. Ҳар биримиз бунга ўз фаолиятимиз, ҳаётимиз давомида ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Аммо шу билан жамиятдаги барча муаммолар ечим топди, деб бўлмайди. Масалан, хотин-қизлар бандлиги масаласи. Бу, энг аввало партиямизнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Хўш, ўтган вақт давомида партия тизимида мазкур йўналишда қандай ишлар амалга оширилди? Тўғри, бир қатор лойиҳаларни, эҳтиёжманд аёлларга кўрсатилаётган ёрдамларни кетма-кет санаш мумкин. Аммо муаммонинг илдизини топа олдикми? Унга қарши курашишнинг аниқ механизмини ишлаб чиқдикми? Бу саволларга жавоб бериш қийин.

Президентимиз Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқида ҳам мазкур масалага тўхталиб ўтди. Хотин-қизларнинг замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун шароит яратиш, уларнинг ишбилармонлик қўникмаларини ривожлантириш, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш лозимлиги қайд этилди. Ўйлайманки, ишли, жамиятга фойдаси тегаётганини ҳис этган аёл она сифатида ҳам фаол бўлади. Муносиб, баркамол авлодни тарбиялайди. Шуни ҳисобга олганда ҳам, масала нақадар чуқур аҳамиятга эга эканини тушиниш мумкин. Ишсиз, фарзанди оч аёл жиноятга қўл уради. Мазкур вазиятда уни қораловчилар ҳам топилиши табиий. Аммо унга керакли шарт-шароит яратиб бермаган жамият, масъулиятсиз мутасаддилар ҳақида гапириш ҳеч биримизнинг ёдимизга келмайди. Негаки, ўша жиноятларда ҳар биримизнинг айбимиз бор аслида. Ҳеч бўлмаганда ўзимизнинг бефарқлигимиз билан бунга йўл қўйиб берганмиз. Президентимиз ўз нутқида Олий Мажлис Сенатида янги тузилма – Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита тузиш ташаббусини илгари сурди. Ўйлайманки, бу хотин-қизларимиз манфаатларини таъминловчи, ўта муҳим ва долзарб масалаларни амалга оширишда муҳим вазифани ўтайди.

Бу йилги сайловлар барчамиздан пухта тайёргарликни талаб этади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсий куч сифатида ўз фаолиятини қайтадан кўриб чиқиши лозим, деб ўйлайман. Натижасиз ҳаракатлар, самарасиз фаолият энди ўзини оқламайди. Хусусан, партия тизимидаги энг қуйи бўғин раҳбарларидан тортиб, марказдаги ходимларгача аниқ мақсад билан олға интилиши шарт. Мақсад ниқ, режалар ҳаётий, ҳаракат астойдил бўлса, одамларга фойдамиз тегади.

Мақсуда ВОРИСОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:

— Бирор-бир мақсадни амалга оширмоқчи бўлсак, албатта, йиллар давомида режалаштирардик. «Йўл хариталари», чора-тадбирлар ишлаб чиқардик. Тегишли ташкилотларга ҳисоботлар бериб, ўзимизни иш қилаётгандек кўрсатардик. Оқибатда ислоҳот республика даражасидаги ташкилот ва идоралардагина жорий этиларди. Афсуски, қуйида бунинг амалий натижасини сезмасдик. Эндиликда ҳар бир ҳаракат оддий халққа манфаат келтириши кераклиги айтилмоқда ҳамда талаб қилинмоқда. Хўш, бу йўлда биз сенатор ва депутатларнинг вазифамиз нималардан иборат, бугунги ислоҳотлар жараёнида ўрнимиз қаерда? Президентимизнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқида мана шу масалаларга ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди, фаолиятимизга холис баҳо берилди. Шунингдек, парламент олдидаги вазифалар ҳам белгиланди.

Ҳеч кимга сир эмас, ижро органлари ва ҳудудлардаги Кенгашларни бир шахс бошқариши депутатларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган эди. Халқ депутатлари туман Кенгашларидаги партия гуруҳларида етарлича фаоллик сезилмаётганди. Одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳокимият олдига кескин қўя олмаётгандик. Лекин буни юқоридаги каби объектив ва субъектив сабаблари ҳам бор эди. Жорий йилги сайловлардан сўнг бари ўзгаради. Эндиги масала эса депутатларимизда фаоллик, ташаббускорлик ошиши лозим. Энг муҳими, депутатда юрак катта бўлиши керак. Қайсидир раҳбарга қарши гапириб қўйсам, эртага нима бўларкан, таёқ кимнинг бошида синаркан қабилида иш тутмаслиги шарт. Бу замон талаби. Акс ҳолда ривожланиш бўлмайди.

Олдинлари жамиятда қонун оддий инсонлар учун, раҳбарлар уни четлаб ўтса бўлади, деган тушунча шаклланган эди. Президентимиз қонунга, энг аввало, раҳбарлар бўйсуниши, бошқаларга ўрнак кўрсатиши кераклигини қатъий таъкидлаганди. Яна бир жиҳат. Ҳар бир раҳбар қонунчиликни яхши билса ва тушинса мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда аҳоли орасида тушунмовчилик келиб чиқишига ўрин қолмасди. Яқинда қурол тўғрисидаги қонунни Сенат маъқуллади. Бу кўпчиликнинг баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Яъни, аксарият кишилар эндиликда қурол олиб юришга рухсат берилади, деб ўйлади. Аслида эса қонун орқали ҳаракатни тартибга солиш мақсад қилинганди.

Президентимиз нутқи давомида жамиятда йиғилиб қолган муаммолар ечими бўйича ҳам тўхталди. Масалан, Сенат қонунчилик фаолиятида ишни тўғри ташкил этиш масаласи. Айни вақтда мазкур йўналишда талабчанлик, жонкуярлик, ташаббускорлик ва изчиллик етишмаётганини танқид қилди. Чунки Сенатда шу кунга қадар ташаббускорлик етишмасди. Буни очиқ тан олиш керак. Қонунчилик палатасидан келган қонунлар кўриб чиқиларди ва асосан таҳририй, кичик ўзгартишлар киритиларди. Фақат битта қонун қайтарилди. Сенатнинг вазифаси қабул қилинаётган қонунларни барча ҳудудлар учун бирдик фойдали бўлиши ва самара келтиришини таъминлаши зарур эди. Бундан ташқари Сенат қонун ижроси назоратида ҳам сусткашликка йўл қўяётганди.

Фуқароларимизнинг сиёсий онги, маданияти ҳар қачонгидан ҳам ўсган. Шуни ҳис этмаган инсон ўзига савол бериши керак. Мен дупутатликка арзийманми? Ҳар бир партия ходими эса сайловга қай даражада тайёрман, деб ўз фаолиятини таҳлилий-танқидий кўриб чиқиши лозим.



Азиз ЙЎЛДОШЕВ, юридик фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси доценти:

— Сайловчи сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлардан бирига овоз беради. Табиийки, кўп овоз олган номзод депутат сифатида фаолият юрита бошлайди. Ўз-ўзидан ҳудудда истиқомат қилаётганларнинг келгуси беш йилдаги тақдири бевосита шу депутатга боғлиқ бўлиб қолади. Демак, ҳар бир сиёсий партия муносиб номзод кўрсатиши энг муҳим масала ҳисобланади.

Фаолиятим мобайнида сийсий партияларнинг Низомлари, Сайловолди дастурлари билан танишиб чиққанман. Уларнинг Низомларида номзод кўрсатиш борасида умумий меъёрларгина кўрсатиб берилган. Хориж тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, сиёсий партиялар номзод кўрсатиш борасида ўз услубига эга. Ҳатто уларнинг фаолиятига шунга қараб ҳам баҳо берилади. Бизда эса жойлардаги партия конференцияларида номзодлар кўрсатилади. Баъзи партия Низомларида эса ҳудудий ташкилотларгина номзод кўрсатиши мумкинлиги айтилган.

Шунингдек, сиёсий партиялар сайлов жараёнида кузатувчилар ёрдамига таяниш ҳуқуқига эга. Аммо партиялар бу имкониятдан ҳам етарлича фойдаланмаяпти.

Яна бир амалиёт. Сиёсий партиялар, иложи борича ҳудуддаги номдор, обрўли кишиларнинг номзодини кўрсатишга ҳаракат қилади. Аммо бу доим ҳам кўзланган натижани беравермайди. Номзод сайловда ғалаба қозониши мумкин. Аммо бундан аҳоли манфаат кўрмайди. Хулоса қилиб айтганда, номзод кўрсатиш жараёнида ҳар бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунда сиёсий партия ҳамда аҳоли манфаатларини ўйлаб ҳаракат қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Семинар давомида сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор Муқимжон Қирғизбоев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси катта ўқитувчиси Даврон Бекжановлар ҳам мавзу юзасидан маъруза қилди.

Ўқув-семинар якунида барча дарожадги партия ташкилотлари етакчиларига сиёсий технологиялардан унумли фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди.

Маҳлиё АЛИҚУЛОВА тайёрлади.

> **Энг муҳими, депутатда юрак катта бўлиши керак. Қайсидир раҳбарга қарши гапириб қўйсам, эртага нима бўларкан, таёқ кимнинг бошида синаркан, қабилида иш тутмаслиги шарт. Бу замон талаби. Акс ҳолда ривожланиш бўлмайди.**

◀ *Давоми, бошланиши 1-бетда.*

Ўзбекистон ХДПнинг барча даражадаги ташкилотлари 30 июнь — «Ёшлар куни» муносабати билан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказмоқда. Жумладан, Фарғона шаҳридаги «Аҳмад Ал-Фарғоний» номидаги оромгоҳда ташкил этилган фестиваль ҳам йигит-қизлар учун чинакам байрамга айланди.

БУ ЙИЛГИ БАЙРАМ ЎЗГАЧА БЎЛДИ!

— Бундай фестивалда илк бор иштирок этишим, — дейди биз билан суҳбатда **Бобуржон Умаралиев.** — Ўтган йили ёшлар куни муносабати билан ташкил этилган байрамларни уйда телевидение орқали томоша қилиб, тенгдошларим ёнида бўлишни орзу қилгандим. Ниятимга етдим. Бундан жуда хурсандман.

— Ҳар бир йигит-қизнинг тақдири, ўй-фикрлари билан қизиқишимиз, уларни ўйлантираётган масалалар ечимида кўмакдош бўлишимиз керак, — дейди **Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Дилбархон Мамаджанова.** — Бугунги фестивал доирасида ҳам шунга алоҳида эътибор қаратдик. Айниқса, таниқли хонандалар, ёш спортчилар, эл суйган санъатқорлар иштирокидаги концерт дастури иштирокчиларнинг кайфиятини кўтарди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши «Ёшлар куни» муносабати билан ногиронлиги бўлган ёшлар ҳолидан хабар олди. Улар билан самимий суҳбатлашиб, яқин орада фаол ёшлар сафидан жой олишларини тилади.

— Бугун тенгдошларим, партия вакиллари уйимизга мени йўқлаб келибди, — деди **биринчи гуруҳ ногирони Маҳбуба Эгамбердиева.** — Улар менга китоблар совға қилишди, ҳатто уйимизга тез-тез келиб, бу китобларни биргаликда ўқишимизни айтишди. Кайфиятим кўтарилди. Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча ёшларни байрам билан табриклайман.

— 20 минг нафардан ортиқ йигит-қиз партиямиз сафига қўшилган, — дейди **Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов.** — Шундан 12 фоизи тиббиёт, 14 фоизи ишлаб чиқариш, 27 фоизи таълим, 7 фоизи тадбиркорлик, қолган 40 фоизи эса бошқа соҳаларда фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, партиядошларимиз орасида фан номзодлари, турли даражадаги давлат мукофоти совриндорлари билан бир қаторда имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган ёшлар ҳам бор. Ана шундай ёшларнинг 54 нафари бугунги кунда «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси ҳисобланади. Улар бугунги кунда жойлардаги тарғибот тадбирларида жуда фаол.

— Ҳақиқатан ҳам шундай, — дейди **Тошкент шаҳар партия кенгаши сектор мудири Нодира Ғафурова.** — Жорий йилда сектор томонидан 32 та тадбир ўтказилган бўлса, шундан 19 таси ёшларнинг ташаббуси билан ташкил этилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур йўналишда «Ёшлар-ёшларга» усули ўз самарасини бермоқда.

Хабарингиз бор, май-июнь ойи давомида «Ёшлар-келажагимиз» шиори остида форум бўлиб ўтди. Биз бунда эътиборни жамиятда ўз ўрни ва овозига эга бўлган таниқли ёшларга эмас, балки ўз ғояси бўлишига қарамай, уни амалга оширишга киришган йигит-қизларга қаратдик. Натижа кўнгилдагидек. 25 нафар форум иштирокчисининг ҳар бири билан алоҳида иш олиб боряпмиз. Лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тегишли ташкилотларга мурожаат ҳам қилганмиз. Айтиш керакки, ёшлар масаласи бир кунлик, ёки бир кишига тегишли эмас. У давлат ва жамиятнинг доимий эътиборида бўлиши зарур.

Тадбир давомида фаол ёшларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди. Тадбирлар давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯ МАРКАЗИДА

Тараққиёт стратегия марказида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан «Оммавий ахборот воситалари – халқ билан мулоқотнинг муҳим воситаси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия ва парламент фаолиятини ёритишда фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ журналистлар иштирок этди.

Ҳақиқий журналист

ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақиқатни айтиши керак

Албатта, анъанага кўра дастлаб соҳадаги ислоҳотлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр алмашилди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоатчилик ҳамда парламент назорати ўрнатиш, ҳокимият ва жамоатчиликнинг алоқасини изчил таъминлашда ОАВнинг ролини кучайтириш, соҳанинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш юзасидан мутахассислар ва соҳа вакиллари фикр-мулоҳазалари билдирилди.

—Ҳақиқий журналист, ҳақиқий ОАВ, менинг назаримда, яхши маънода ҳамиша ҳукуматга оппозицияда бўлиши керак, — деди **ЎзА сиёсий шарҳловчиси Комилжон Шамситдинов.** — Ҳукуматни мақтаган, майли сиёсатни тарғиб қилсин, лекин уни алқаган қалам соҳиби жамиятни тўхтатиб қўйган саналади. Яъни, журналист ҳам партия фаоллари, депутатлар сингари ўз вазифасини тўғри бажарсагина, тараққиётга ҳисса қўшади, деб ўйлайман. Бугунги эврилишлар даврида сўз эркинлиги тўғри йўналтирилган, журналист халқнинг дардини холис ва ҳаққоний айта оладиган бўлиши шарт. Ҳали олдинда кўп-кўп ишлар бизни кутмоқда. Янгидан-янги ташаббуслар, инновацион ғоялар асосида фаолиятимизни давом эттирсак, ўйлайманки, бир-биримизга тиргак бўлиб, имкониятдан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

Тадбирда партиянинг ғоя ва дастурий мақсадлари, тарғибот-ташвиқот, амалий фаолиятини кенг жамоатчиликка намоён этишда оммавий ахборот воситалари асосий ўрин эгаллаши таъкидланди. Халқ манфаатини ўйлаётган, унинг дарду ташвишида куяётган журналистлар иши партия фаолияти билан бевосита боғлиқ экани қайд этилди.

Чиндан ҳам, Конституциямизда матбуот ва сўз эркинлигини таъминловчи қоидаларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани ОАВ чинакам эркин фаолият

юритишининг ҳуқуқий кафолатидир ҳамда улар жамиятнинг янгиланиши жараёнида муҳим аҳамият эга. Мазкур сана муносабати билан эълон қилинган Президент табригида ҳам ана шу масалаларга эътибор қаратилди. Матбуот, оммавий ахборот воситалари иши ҳамма замонларда ҳам оғир ва масъулиятли бўлгани таъкидланди. Дарҳақиқат, мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очиқлик ва ошкоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаётимиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги даврда бу масъулият янада кучаймоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски, дунё шиддат билан ўзгариб боряпти. Барча соҳалар қатори ахборот олиш ҳамда етказиш, таъсирчан жамоатчилик фикрини шакллантириш борасидаги рақобат кескинлашмоқда. Демак, ушбу мураккаб шароитда ҳаёт биз журналистлар олдига янги талаб ва вазифаларни қўймоқда. Давра суҳбатида ана шу масалалар ҳақида сўз борар экан, бунда жамоат бирлашмалари, сиёсий партия ва депутатлар ўртасида ҳамкорлик алоҳида аҳмият касб этишига ургу берилди.

— Журналистнинг нонини еб катта бўлганман. Отам бир умр журналист бўлиб ишлаган. Шунинг учун уларнинг машаққатини яхши биламан, — деди **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Мақсуда Ворисова.** — Фикримча, ОАВ фаолиятини тартибга солишга йўналтирилган қонунчиликни таҳлилий-танқидий ўрганган ҳолда ишини кенгайтириш, уларнинг мустақиллиги, эркинлигини таъминлаш бўйича қонунларни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш чораларини кўриш керак.

Медиа соҳасининг моддий-техник базасини янгилаш, соҳада учраётган ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш журналистика ривожини белгилайдиган зарурий шартлардан бири саналади. Ушбу масалалар юзасидан ОАВ вакилларидан таклифлар олиш ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси орқали қонунчиликка татбиқ этиш, партиямизнинг барча жабҳалардаги фаолиятини жамоатчилик орасида янада кенг тарғиб қилиш учун ОАВ билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Тадбир якунида партия фаолиятини ёритишда фаол иштирок этган ва ҳамкорлик қилиб келган оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳига партиянинг қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Жаҳолатга қарши — маърифат».

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ — *ислом маърифати мужассам маскан*

МУНОСАБАТ

Даврон МАХСУДОВ, Ўзбекистон халқаро ислом академиси доценти, тарих фанлари номзоди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда диний-маърифий соҳада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Имом Бухорий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Ҳадис илми мактаби, калом, фиқҳ, ақида, ҳадис, тасаввуф мактабларининг очилиб, фаолият юритаётгани ва айниқса, Ислом цивилизацияси марказининг бунёд этилаётгани юртимизда дин, диний қадриятлар, азалий анъаналаримизни илмий, маърифий асосда ўрганишга қаратилган ҳаракатнинг ёрқин намунасидир.

Булар орасида юртимиз тарихида илк бора қад ростлаётган Ислом цивилизацияси марказига халқимиз ва ҳатто хорижликларнинг ҳам қизиқиши ортиб бормоқда. Шундай экан, Ислом цивилизацияси қандай марказ, нима ишлар билан шуғулланади, бу ерда таълим бериладими ёки фақат тадқиқотлар амалга ошириладими каби бир қатор саволларга жавоб беришга ҳамда унинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари нималардан иборат эканлиги, келажакда инсонлар маънавий юксалиши, маърифий такомили учун нималар бера олиши каби мулоҳазаларга аниқлик киритишга ҳаракат қилсак. Зеро, инсон ва жамият маънавий такомили учун муҳим роль ўйнайдиган мазкур Марказ фаолияти ҳақида жамоатчилигимиз хабардор бўлишга, албатта ҳақли. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳали Марказда қурилиш ишлари давом этмоқда ва бинонинг фойдаланишга топширилиши 2020 йилга мўлжалланган. Шундай экан, истиқболда бўладиган ишлар бўйича фикрлар билдирилади ва улар асосан йўналтирувчи характерга эгалигини ҳам эслатиб ўтиш керак.

Шу жиҳатдан, Ислом цивилизация марказининг моҳияти хусусидаги мулоҳазаларни қуйидаги мақсадларни ўзида мужассам этган жиҳатлар орқали янада билиш мумкин.

Биринчидан, Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган бир даврда барча масалаларни, шу жумладан, диний таълимотни ҳам илмий асосда ўрганиш муҳим саналади. Содда қилиб айтганда, илм, маърифатсиз «узоққа бора олмаслигимиз» аниқ. Аслида улуғ зотларнинг авлодлари саналган ушбу миллатнинг бундан бошқа чораси йўқ, десак ҳам хато бўлмайди.

Шу маънода, Ислом цивилизация маркази илмий маскан саналади. Чунки бу ерда мунтазам равишда илмий изланишлар олиб борилади. IX-XI асрларда Хоразмда «Дорул маърифа ва ҳикма» ва Бағдодда «Байт ул-ҳикма», яъни «Донишмандлик уйи» каби илмий марказлар бўлган. Ушбу Марказ ҳам улар каби «илм ва ҳикмат уйи» ҳисобланади. Марказда аждодларимизнинг асарлари тадқиқ қилинади, таржималари амалга оширилади, таҳлил қилинади. Марказнинг улкан кутубхонасида ислом оламининг ноёб дурдона асарлари ва уларнинг электрон ҳамда факсимиль нашрлари жамланадики, уларни ўрганиш асосий вазифа бўлиб қолади.

Ушбу мақсадда Ўзбекистоннинг энг етакчи олимлари, мутахассислари, илмий изланувчилари, ҳатто хорижнинг етук алломалари жалб қилинади. Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчиларнинг масканига айланиши, шубҳасиз. Уни Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказларидан қандай фарқи бўлади, деган савол туғилиши табиий. Жавоб сифатида айтиш мумкинки, мазкур халқаро илмий-тадқиқот марказларида асосан ҳадисшунослик билан шуғулланилса, Ислом цивилизация марказида барча соҳаларда, жумладан, Қуръоншунослик, тафсиршунослик, ҳадисшунослик, сийратшунослик (Пайғамбар алайҳиссалом ҳаёт йўлларини ўрганиш), ислом ҳуқуқи (фиқҳ), ақида, тасаввуф, ислом тарихи, араб тилшунослиги каби билимлар кенг ўрганилади. Бундан ташқари, архитектура, физика, кимё, фалакиётшунослик, минерология, тиббиёт, фармокология каби йўналишларда ҳам илмий изланишлар олиб борилади. Чунки аждодларимиз асарларининг салмоқли қисмини ҳам ушбу соҳалар ташкил этишини эслатиб ўтиш даркор. Лекин масаланинг яна бир жиҳати шундаки, ҳам фалакиётни билиб, манба ўқий оладиган, тиббиётчи ёки фармацевт бўлиб, қўлёзмалардан керакли муолажаларни ўқиб ўрганадиган мутахассисларни бугунги кунда топиш қийин. Шундай экан, келажакда мазкур илмлардан бохабар ва қўлёзма манбаларини мутолаа қила оладиган кадрларга ҳам эҳтиёж ортиб боради. Демак, бу борада ҳам чуқурроқ ўйлашимиз ва келажакда соҳа мутахассисларини тайёрлаш бўйича чораларни белгилашимиз керак бўлади.

Марказда тарихимиз билан боғлиқ кўплаб ашёлар ва визуал материаллар йиғилгани боис Ислом академиясининг юқори курсларида таҳсил олувчи мутахассисликка доир фанларнинг амалий машғулотларини шу ерда ўтказиш мақсадга мувофиқ саналади. Бу, бир томондан, олинган назарий билимларни мустаҳкамлашга кўмаклашса, иккинчи томондан, тарихий материалларни кўз билан кўриш ва фойдаланиш имкониятини беради. Бундан ташқари, Марказда исломгача бўлган даврга оид ашёлар ҳам жой олгани учун археологлар, миллий кийим ва ҳунармандчилик маҳсулотларимиз жойлашгани сабабли этнологлар, ҳунармандлар, қадимий ёдгорликларнинг макетлари борлиги учун архитекторлар бу ердан кўплаб амалий маълумотларни олишлари мумкин. Қўйингки, Марказда ўрта асрлар хаттотлиги, наққошлиги, санъати ва ҳатто ошхона ва кулинарияси ҳам ўрин эгаллайди. Албатта, булар ташриф буюрувчиларга ўтмишимизнинг ҳали кўп ҳам маълум бўлмаган қирралари ҳақида тасаввурлар уйғотса, яна соҳанинг бўлажак мутахассисларига амалий машғулот маскани ҳам бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Иккинчидан, тарихда ўтган буюк алломаларимиз – Имом Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Мусо Хоразмий, Ибн Сино каби буюк сиймолар юртимиз номини дунёга танитган шахслардан ҳисобланади. Мусулмон дунёсининг мўътабар манбаларида ҳам Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Урганч, Шош каби қадим шаҳарлар улуғ олимлар юрти сифатида кўп бора тилга олинади. Жумладан, Бухоро Ислом динининг минораси, Самарқанд ер юзининг энг гўзал шаҳри, дейилади. Арабларнинг эътирофига кўра, Хоразмлик Замахшарий бобомизсиз араб тили унутилиши ҳам мумкин эди. Мусо Хоразмий саноқ тизимини кашф қилмаганида бугунги юксак технологияларни ҳам тасаввур қилиш амри маҳол бўлиб қоларди. Баҳоуддин Нақшбанд қўл ва қалб бир вақтнинг ўзида икки ишни бажариб, бир мақсад сари интилиши борасидаги соф ғояни илгари сурмаганида тасаввуфий таълимот бунчалик халқчил ва тушунарли бўлмай қолармиди? Ибн Синонинг тиббиёт соҳасидаги хизматларисиз бугунги илғор Ғарб медицинаси ҳар қандай касалликка даво топа олармиди? Мотуридий бобомиз соф ақидани мусулмонларга етказганида бугунги мусулмон жамиятида оқим ва тоифалар қарашларига етарлича жавоб берилмай қолармиди? Моваро-уннаҳрда чуқур илдиз отган ҳанафийлик мазҳаби эса, Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Абу Зайд Дабусий, Бурҳониддин Марғилоний илмий мероси билан мустаҳкам илмий асосларга эга бўлди. Қўйингки, бундай мисолларни кетма-кет келтираверишмумкин.

Ўз навбатида, буни ислом оламининг машҳур олимлари ҳам эътироф этмоқда. Машҳур Ал-Азҳар университетининг ректори Аҳмад Тоййиб жаноблари ўз юртларидаги кутубхоналарни Бухорий, Мотуридий каби зотларнинг китобларисиз тасаввур қилиб бўлмаслиги эътироф этган бўлса, Фан, таълим ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти — ISESCO собиқ бош директори Абдулазиз ат-Тувайжрий 2017 йилда Тошкентдаги илмий мажлисларнинг бирида Ислом дини араб диёрида пайдо бўлса ҳам, бироқ унинг илмий асослари ажам халқлари, жумладан мовароуннаҳрлик олимлар томонидан амалга оширилганини таъкидлаган эди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон замини ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири ҳисобланади. Бироқ ўтган салкам бир асрлик давр мобайнида биз ушбу бебаҳо меросдан узоқлаштирилдик, улуғ аждодларимиз кимлигини билмадик, анъанавий қадриятларимиз бегона бўлиб борди. Шундай бир пайтда улкан мероснинг англаш, халқимизга, айниқса, ёшларимизга етказиш, тушунтириш, ундан намуна олиш масаласи долзарб бўлиб қолди. Бунёд этилаётган ушбу Марказда ўтган салкам бир ярим минг йиллик мерос қўлёзма асарлар, электрон тақдимотлар, фильмлар, экспонатлар орқали тақдим этилади. Бу ҳам маърифатни тарғиб қилишнинг замонавий кўринишларидан биридир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: **Халқимизнинг ана шундай бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш, энг муҳими, ислом дининнинг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида биз азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини барпо этишга қарор қилдик.**

Мазкур мақсадлар ижроси учун Марказда ноёб қўлёзмаларга эга фонд ташкил этилиши ҳам кўзда тутилган. Қўлёзмаларни сақлаш ва келажак авлодга етказиш учун реставрация қилиш, тиклаш, нусха олиш ва кўпайтириш бўлими ҳам иш юритади.

Учинчидан, глобаллашув даврида турли оқим ва тоифалар кўпайиб бораётган бир пайтда Марказ ёшларга буюк ўтмишдан намуна олишга ёрдам берса, яна бир томондан, бу ерда соф ислом таълимотини тарғиб ва ташвиқ қиладиган китоблар, таржималар, интернет маълумотлари тайёрланади ҳамда халқимизга етказилади. Бу ерда китоб дўконлари, кутубхона, матбаа маҳсулотлари ташриф буюрувчиларга хизмат қилади.

Марказ фаолияти, илмий китоб ва журналлар, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари бўйича маълумотлар, ислом олами ва соҳадаги янгиликларни ёрутувчи турли шаклдаги доимий нашр ишларини амалга ошириш учун энг замонавий ускуналар мажмуасидан иборат нашриёт ҳам хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, йирик халқаро анжуманлар, республика ва хорижлик олимлар билан илмий семинарлар ташкил этиш, халқаро қорилар мусобақаси ва бошқа тадбирлар ўтказишга режалаштирилган, энг замонавий технологиялар асосида жиҳозланган салкам беш юз кишига эга конференция зали иш юритиши режалаштирилган.

Ҳозирда Марказ халқаро алоқаларни йўлга қўйиш, турдош хорижий ташкилотлар билан муносабатлар ўрнатиш мақсадида бир қатор хорижий муассасалар билан ҳамкорликларни бошлаган. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг КОМСТЕК, ICESCO, IRCICA таркибий тузилмалари, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Саудия Арабистони ахборот ва араб-рус тадқиқотлари маркази кабилар билан алоқалар ўрнатилган.

Мухтасар айтганда, Президент қарорида таъкидланганидек, бу жойни «Жаҳолатга қарши — маърифат» шиори остидаги илмий, маърифий маскан, дейиш мумкин. Демак, Ислом цивилизация марказида ҳам ўқув, ҳам илмий тадқиқот, ҳам ноёб китоблар мажмуи ва буюк ўтмишимизнинг намуналари тақдим этилгани сабабли уни билим, таълим, тарбия, музей, улкан кутубхонага эга маърифат маскани, деб аташ муносиб бўлади.



Уч йиллик «юриспруденция» таълими йўналиши бўйича *диплом ҳамда «лейтенант» махсус унвони берилади*

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Миллий матбуот марказида Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали олдига қўйилган вазифалар ва бу борада амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Президентимиз жорий йил 10 январь куни Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 7-сонли Ички ишлар бўлимига ташриф буюриб, профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлиги ва уларнинг касбий маҳоратини ошириш, рағбатлантириш масалаларига тўхталиб ўтганди, — дейди **Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали директори ўринбосари Ихтиёр Жўраев.** — Шунингдек, давлатимиз раҳбари профилактика инспекторлари ва уларнинг ёрдамчиларини ўқитиш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича Тошкент давлат юридик университетининг махсус бўлинмаси — Ихтисослаштирилган филиалини ташкил этиш зарурлигини таъкидлаганди.

Шундан сўнг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали ташкил этилди.

Филиалнинг асосий вазифалари — юриспруденция соҳасида базавий ва амалий касбий тайёргарликни таъминлашга қаратилган ўқув режалари ва дастурлари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда таълим олувчиларнинг психологик тайёргарлиги, ҳуқуқий, сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, илмий-тадқиқот, шу жумладан, хорижий мамлакатлардаги муассасалар билан ўзаро самарали идораларо ҳамкорликни чуқурлаштиришдан иборатдир.

Жорий йилдан бошлаб филиалда «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш» соҳа мутахассислиги бўйича юридик кадрлар давлат грантлари бўйича, махсус уч йиллик бакалавриат дастури асосида тайёрланади. Қабул квотаси эса йилига 255 кишини ташкил этади. Бундан ташқари, махсус олти ойлик дастур асосида ҳам олий ноюридик маълумотга эга бўлган кадрлар қайта тайёрланади. Қабул квотаси ҳар олти ойда 50 кишидан иборатдир.

Қолаверса, филиалда ўқитиш тўлиқ давлат грантлари асосида амалга оширилиб, бакалавриатни тамомлаган битирувчига «Юриспруденция» таълими йўналиши бўйича диплом ҳамда «лейтенант» махсус унвони берилиб, Ички ишлар вазирлиги ёки Миллий гвардия тизимида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида камида 5 йил ишлаб бериш мажбурияти юкланади.

Яна шуни айтиш мумкинки, филиалга қайта тайёрлаш дастури бўйича ўқишга Ички ишлар вазири ва Миллий гвардия қўмондони тавсиялари асосида олий ноюридик маълумотга эга бўлган амалдаги ходимлар ва ҳарбий хизматчилар белгиланган тартибда эгаллаб турган лавозими ва пул таъминоти сақлаб қолинган ҳолда қабул қилинади.

Филиал ташкил этилганлигига қисқа вақт бўлишига қарамай хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун кадрлар тайёрлайдиган ва қайта тайёрлайдиган таълим муассасалари ва марказларига танишув ташрифлари бўлиб ўтди.

2019 йил май ойида Беларусь Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ва унинг тармоқлари тажрибаси чуқур ўрганилди. Академия билан Ихтисослаштирилган филиал ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Шунингдек, жорий йилнинг июнь ойида Туркия Полиция Академиясининг кадрлар тайёрлаш тажрибаси ўрганилди. Ташриф натижасига кўра, ҳамкорлик меморандуми имзолашга келишилди. Шу билан бирга Туркиянинг «Havelsan» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган симуляция-модуляция ва тренинг технологиялари соҳасидаги маҳсулотлари билан танишилди. Шу асосда, филиалда замонавий компьтерлаштирилган симуляция-модуляция марказини ташкил этиш юзасидан техник топшириқни ҳамкорликда ишлаб чиқиш бўйича тегишли таклифлар берилди. Ушбу йилнинг июль ойида эса Россия Федерациясига, сентябрь ойида — Белгия ва Голландия таълим муассасаларига танишув ташрифи бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Шунингдек, тадбирда филиал профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда мастер-класс дарсларини ўтказиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун кадрлар тайёрлайдиган ва қайта тайёрлайдиган хорижий таълим муассасалари ва марказлари профессор-ўқитувчиларини жалб қилиш, хорижий таълим муассасалари ва марказларида ўтказиладиган конференция, семинарларда филиал ўқитувчилари иштирокини таъминлаш ҳамда филиалда ўтказиладиган конференция ва бошқа тадбирларга хорижий таълим муассасалари ва марказлари профессор-ўқитувчиларини таклиф қилиш борасида амалий ишлар қилинаётганлиги таъкидланди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Аҳолига қулай турмуш шароити яратиш, уларнинг муаммоларини ўз жойида ҳал этиш, фуқаролар билан янада яқинроқ бўлиш мақсадида секторлар фаолияти йўлга қўйилган эди.

СЕКТОРЛАР НИМА БИЛАН БАНД?

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 январдаги "Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва 17 январдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси доирасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани 2-сектори ҳудудида 12 МФЙ, 77 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, 11 умумтаълим мактаби, 16 мактабгача таълим, 3 тиббиёт муассасаси, 2 кутубхона, 104 маиший хизмат уйи, 12 сартарошхона, 28 дорихона, 301 саноат ва 27 қўшма корхона, 916 кичик бизнес субъекти, коллеж, музей, маданият ва истироҳат боғи, меҳмонхона, тез тиббий ёрдам шохобчаси, спорт мажмуаси, деҳқон бозори фаолият кўрсатади.

Мирзо Улуғбек туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар штаби таркибига киритилиши лозим бўлган идора ва ташкилотларнинг намунавий рўйхати тасдиқланган. 2-сектор штаби котиблигига туман прокурорининг катта ёрдамчиси Давронбек Эгамбердиев белгиланган ҳамда турли идора ва ташкилотларнинг 30 нафар вакиллари ишчи гуруҳ аъзоси сифатида бириктирилган.

Сектор ҳудудида жойлашган барча маҳаллаларда маҳалла фуқаролар йиғини раислари, профилактика инспекторлари ва маҳалла посбонлари ишчи гуруҳ аъзоси сифатида бириктирилиб, вазифалари, уйма-уй юриш, фуқаролар билан суҳбатлашиш, сўров ўтказиш ҳамда аниқланган муаммоларни тизимли равишда таҳлил қилиш тартиби белгиланган.

Ҳар бир ишчи гуруҳ аъзосига сектор ҳудудида жойлашган маҳаллалар бириктирилиб, ишчи гуруҳ аъзоси ўзининг функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мазкур маҳалла ҳудудида яшовчи фуқароларда аниқланган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўриши, ушбу маҳаллада жойлашган ижтимоий объектларнинг аҳволини доимий равишда ўрганиб бориши "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" тамойили асосида амалга оширилмоқда.

Сектор раҳбари ташаббуси билан сектор ҳудудида яшовчи 9 нафар кам таъминланган фуқаро уй-жой билан таъминланди. Уларга Мирзо Улуғбек тумани, "Азамат" МФЙда қурилган замонавий кўп қаватли уйлардан хонадонлар ажратиб берилди.

Аҳоли билан бўлган учрашувларда "Улуғбек" МФЙ шаҳар марказидан тахминан 30-50 километр узоқликда жойлашгани, ҳудудда тез тиббий ёрдам хизмати пункти мавжуд эмаслиги, тез тиббий ёрдам 30-40 дақиқада етиб келиши фуқароларда ноқулайликлар туғдираётгани ҳақида эътироз бўлди.

Сектор штаби томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига йўлланган хатлар натижасида, мазкур ҳудудда жойлашган 2-сонли республика клиник шифохонасида тез тиббий ёрдам пункти ҳамда доимий равишда фаолият олиб борадиган махсуслаштирилган "Дамас" автомашинаси ва шифокорлар ажратилишига эришилди.

– Ҳомий ташкилотларнинг кўмагида 32 ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага ёрдам кўрсатилди, – дейди Мирзо Улуғбек тумани прокурори, 2-сектор раҳбари Т.Нормуҳамедов. – Ҳудуддаги 504-сонли мактабгача таълим муассасасида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар натижасида қулай шарт-шароитлар яратилган мазкур муассаса тарбияланувчилар учун муносиб совға бўлди. Фуқароларнинг уй-жой, тиббиёт, моддий ёрдам, ишга жойлаштириш, кадастр, ичимлик суви, газ бўйича, банк кредити, пенсия муаммолари, иссиқлик таъминоти, ободонлаштириш масалаларига оид шикоятлари, таклифлари эшитилиб, ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Ўрганишлар давомида ҳудудда замонавий автотурагоҳлар, болалар майдончаси, оқова сув қувурларини ўрнатиш, асфальт ётқизиш, уйларнинг том қисмини мукаммал таъмирлаш, атрофига бетон тротуар ётқизиш, ертўлаларни мукаммал таъмирлаш каби масалалар кўтарилган.

Амалга оширилиши керак бўлган ишлар юзасидан сўровнома ўтказилиб, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунида белгиланган ваколатлар ҳамда давлатимиз раҳбарининг қарор ва фармонларидаги талаблар асосида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Кенгашининг сессияси муҳокамасига қўйилди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда. Ҳар бир ташкилот, тузилма аниқ мақсад сари одилона ҳаракат қилса, кўзланган натижага эришилади.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири.

Мактабгача таълим муассасалари болажонларни ўз бағрига олмоқда.

Бола қадри, иқтидори ва тарбияси

Қашқадарё вилояти мактабгача таълим тизимидаги ўзгаришлар

Рости, бундан уч йил бурун бу ҳақда сўз очишдан кўпчилик ҳайиқарди. Ҳақиқат шундаки, коллежлар учун маблағларни аямабмизу, бироқ кичкинтойлар тарбия оладиган масканларга қайрилиб ҳам қарамабмиз. 2017 йилда Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилгандан сўнг маълум бўлдики, биргина Қашқадарё вилоятининг ўзида етарлича муаммолар бор экан. Ўша йили вилоятда 3-7 ёшли болаларнинг 13,3 фоизини мактабгача таълим муассасаларига жалб этишга эришилди, холос. Чунки ўтган йилларда бирорта янги боғча қурилмаган, маблағ етишмаслиги баҳонасида эскилари фаолияти тугатилиб, айрим бинолар сотиб юборилган. Хўш аҳвол ҳозир қандай?

2018 йилнинг январи. Шаҳрисабзга келган мамлакатимиз раҳбари бош майдон ёнида қурилган қўшқаватли бинога ташриф буюрди. Бу шаҳрисабзлик тадбиркор Актам Аҳмедов қурдирган 30 ўринли иқтидорли болалар тарбия маскани эди.

— Ушбу учрашувнинг ўзига яраша масъулияти бор, — дейди **МТМ мудири Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби Шаҳноза Холмаҳматова.** — Президентимиз барчамиз билан самимий суҳбатлашди. Бино ичкарисига кириб, хоналарнинг шинам ва иссиқлиги, кичкинтойлар учун яратилган шароитларга алоҳида эътибор қаратди. Биласизми, раҳбаримиз билан суҳбатлашган киши ўзида қандайдир куч-қудрат сезар экан. У кишининг бола бахтли бўлса, бутун жамият бахтли бўлиши ва фарзандларимиз тарбиясига аҳамият беришимиз кераклиги тўғрисидаги фикрлари бир умрга хотирамда муҳрланиб қолди. Мен ҳам она сифатида икки нафар ўғлим, шу масканга умид билан келган кичкинтойлар келажаги ҳақида ўйлай бошладим...

Кўп ўтмай ташкилотчи ва ташаббускор Шаҳноза Холмаҳматова Шаҳрисабз шаҳар мактабгача таълим бўлими мудири этиб тайинланди. Аҳвол анча мураккаб эди. Мавжуд 29 МТМ икки йил олдин 30 фоиздан сал ошиқ болани қабул қилганди. Елиб-югуришди, тадбиркорлар билан кенгашилди, 31 давлат, 23 оилавий, 2 давлат шерикчилик, 9 хусусий мактабгача таълим муассасаси ишлай бошлади. Жорий йил охиригача 3-7 ёшдаги болаларнинг 72 фоизини мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш режаси тузилди ва амалга оширилмоқда. Шаҳноза Холмаҳматова билан «Кеш» маҳалласида яшовчи Тўлқин Хуррамовнинг қўш қаватли уйида очилган оилавий муассасани кўришга бордик. Жами 25 бола тарбияланмоқда, шароити яхши. Шаҳар ҳокими Тўлқин Каримов чекка маҳаллаларга сув чиқариш, иссиқхона қуриш ишлари бошида турган экан. 27-МТМ га боргандим. «Бинони марказий канализация тизимига улаймиз», деди ҳоким. Янгиликлар кўп — инглиз ва рус тилларини ўргатувчи 30 дан ошиқ гуруҳлар очилган, 14-МТМ да эса 20 бола мақом санъати сирларини ўрганмоқда.

Шаҳардан ажралиб, мустақил бўлган Шаҳрисабз тумани бўйича дастлаб 3-7 ёш болалардан аранг 10 фоизини жалб қилишга имкон топилди. Мактабгача таълим муассасалари Шаҳрисабз туман бўлими мудири Дилором Имомова қаровсиз биноларни таъмирлаш, оилавий, шерикчилик асосида муассасалар ташкил этиш борасида қилинган ишлар ҳақида гапириб берди. Бугунги кунда болаларни қамраб олиш 50 фоиздан ошибди. Айниқса, тоғли қишлоқларда қийинчилик кўп экан.

— Қишлоғимизга келганмисиз? — деб сўрайди телефон орқали боғланганимизда Ғилон қишлоғида янги очилган МТМ мудири Умиджон Халилов. — Чўқиларини доимо қор босиб ётадиган Ҳисор тоғлари бағрида яшаймиз. Одамларимиз 7 мингдан ошиқ. Боғдорчилик, картошкачилик, чорвачилик билан шуғулланамиз. Бўшаган коллеж биносида 100 болага шароит яратилди. Яна 300 бола навбат кутаяпти. Бу масалани ҳам ҳал қилиш керак.

Мамлакатимиз раҳбари ўтган йил бошида вилоятга ташрифи чоғида Деҳқонобод туманининг ҳам тараққиёт режаларини белгилаб берганди. Чунки темир йўл боргани, калий заводи қурилгани билан барча муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди — энди қир-адирларда шифобахш ўсимликларни етиштириш, иссиқхоналар, кичик корхоналарни кўпайтириш, сув омбори қурилишини шу йил охиригача тугаллаш, Карашина шаҳрига тоза ичимлик суви қувурларини тортиб келиш, энг яхши лойиҳа асосида янги МТМ биносини қуриш ва бошқа вазифалар амалга ошмоқда. 2017 йилда мавжуд 7 та МТМ га тумандаги болаларнинг 3,2 фоизи қатнаган. Ўтган йили бу кўрсаткич 13 фоизга етган.

Обод қишлоғида 75 ўринли бино қурилиши якунланди. Тадбиркор Нуриддин Бозоров 100 ўринли иморатни тиклашга киришди. 5 та оилавий МТМ ташкил этилди. Тоғли Ғалабулоқ қишлоғида тадбиркор Эсонтурди Ражабов банкдан олган 1 фоизли 823 миллион сўм кредит ва ўз сармояси эвазига қурган бир қаватли мактабгача таълим муассасасида 70 бола тарбиялана бошлабди. Келини Адолат Эсонтурдиева бош тарбиячи. Хусусий бўлгани учун овқат, тарбиячиларга маблағ топиб бериш қийинлашмоқда, иш тўхтаб қолиши мумкин экан. Мен унга давлат-шерикчилик асосида ишлашга ўтишни маслаҳат бердим. Чунки 900 нафар аҳоли яшайдиган Галабулоқ, атрофдаги Тоғайтемир, Қўрғонтепа, Усмондара каби қишлоқларни ҳам қўшса, янги МТМ иши тўхташига йўл қўйиш мумкин эмас. Чунки қанча кичкинтойлар дафтар-қаламларини шайлаб, навбат кутишмоқда, ахир...

Туман қир-адирлари бағрига сочилиб кетган қишлоқларида 400 минг аҳоли истиқомат қилаётган Чироқчи шароити бундан-да мураккаб эди. 2017 йилда бу ҳудудда бор-йўғи путурдан кетган 12 боғча бор эди. Уларда жами болаларнинг 2,3 фоизи қамраб олинарди холос. Ўтган йили туманда яшаётган 40 минг 728 боланинг атиги 8 фоизи МТМ ларга қатнай бошлади. Эркабой Боймуродов туман мактабгача таълим бўлими мудири этиб тайинланди. «Ҳамма имкониятлардан фойдаланяпмиз, ҳозир 17 давлат, 6 шерикчилик, 23 оилавий муассаса ишлаяпти. Ўзига тўқ тадбиркорлар кўп, оилавий МТМ ларни йил охиригача 100 тага етказамиз, шу орқали 50 фоиз болаларни жалб этиш имкониятини яратамиз», дейди у.

— Дарҳақиқат, ўзгаришлар кўп. Жар қишлоғида тадбиркор Рафоат Бўронова ташкил этган оилавий МТМ барчага намуна қилиб кўрсатилмоқда. Қорабуруқ қишлоғида тадбиркор Фарҳод Жуманов қурган қўш қаватли, 130 бола тарбияланаётган муассасада яратилган шароитга қараб кўзингиз қувнайди. Шерикчилик асосида ишлаб, ота-оналардан 150 минг сўмдан маблағ олишга келишилибди. Яна 10 болага 45 минг сўмдан тўлов тўлашга имконият яратиб беришибди. Икки йил олдин Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини битириб келган Рушана Каримова тайёрлов гуруҳида ўтаётган машғулотга қатнашиб, инглизча сўзларни жуда тез ўрганиб олаётган болажонларни зеҳни ва интилишларини кўриб, роса қувондим. Муассаса инглиз тили ўргатиш йўналишида. Бундай таълим масканлари вилоятда 100 дан ошиқ экан. Ана шу қишлоқдаги даргоҳни инглизча «HELLO HAPPY KIDS» — «Салом, азиз болажонлар», деб аташибди.

Китоб туманининг Олақўйлиқ қишлоғида яшаётган Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, 100 ёшли Мажид Хидировнинг уйи дарахтзорлар бағридаги 18-МТМ билан ёнма-ён.

— Жами 140 болага мўлжалланган боғчага ҳозир жуда оз бола қатнайди. Ана шу МТМда яқинда таъмирлаш ишларини бошлайдмиз, — дейди Қашқадарё вилояти мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Асрор Алимардонов. — 1991 йилда вилоятда 700 боғча бўлган. 2017 йилда сақланиб қолган 326 муассасага вилоятдаги жами болаларнинг атиги 13 фоизини жалб қила олдик, холос. Чунки ўтган йиллар давомида вилоятда бирорта боғча биноси қурилмаган. Мен беш йил Шаҳрисабз туман халқ таълими бўлими раҳбари бўлиб ишлаганман, молиячилар маблағ кам, деб қанча боғчаларни тугатиб юборишганини биламан. Йил охиригача вилоятдаги 275 минг 123 боланинг 50 фоизидан ошиғи МТМ ларга қатнай бошлайди. Ҳамма имкониятлар яратиляпти, 1 фоизли, имтиёзли кредитлар ажратиляпти, тадбиркорлар қўллаб-қувватланаяпти.

Китоб туманидаги 18-боғчани таъмирлаш 2020 йилда амалга оширилади. Бу учун 3,3 миллиард сўм маблағ ажратилаётган экан. Лойиҳа асосида жойлар сони 125 ўринни ташкил этаркан. Бу борада Ғузор туманида ҳам ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Икки йил олдин бор-йўғи 14 МТМ бўлган Қамаши туманида янгилари жадал қурилмоқда. Касби, Муборак, Косон, Нишон ва бошқа туманларда янги-янги болалар муассасалари ишга тушаяпти. Узоқ чўл тумани — Миришкордаги ишлар жадал. Ўтган йили Женов қишлоғида 100 ўринли МТМ ишга тушганига гувоҳ бўлгандим, энди яна биттага кўпайибди. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари асосида 11-,12-, 8-МТМ бинолари сифатли таъмирдан чиқибди. Марказдан узоқ, 17 минг аҳоли истиқомат қилаётган Помук қишлоғида янги МТМ тикланмоқда.

Икки йил олдин Яккабоғ туманидаги жами боланинг 9,6 фоизи МТМ ларга борган. Бир йил ичида бу кўрсаткич 20 фоизга, МТМ лар сони 42 тага етди. Йил охиригача 53 МТМ бўлиши режалари тузилган ва кураш давом этмоқда.

Яккабоғ туман мактабгача таълим бўлими мудири Шаҳноза Беғнаева билан суҳбатлашдим. Хўжаилғор қишлоғига бордим. Илгари қурилган эски иморат таъмирланибди. Жами 2 миллиард 800 миллион сўм маблағ эвазига 115 ўринли қўшқаватли янги бино тикланибди. Шу 15-МТМ давлат қарамоғида, ота-оналардан 45,5 минг сўмдан, агар 2 бола қатнаса, 32 минг сўмдан тўлов олинаётган экан. Шароити жуда яхши. Аммо 500 метр наридан ўтган табиий газ тармоғига уланмабди. Бу муаммони ҳал қилиш керак.

Тўйхона, тиббий диагностика маркази қурган тадбиркор Шоира Ҳайдарова кредит ва ўз маблағи ҳисобидан қўшқаватли, «Тонг ёғдуси» МТМни қурди. Давлат-шерикчилиги асосида ишлаяпти, шароити намунали. Мактабда 27 йил бошланғич синфларга дарс берган Раъно Азимова хонадонига 25 болани жалб қилиб, таълим-тарбия бераяпти. Намунали, янги уй бўлгани туфайли шароити яхши.

Яккабоғ шаҳридаги Оқтош маҳалласида тадбиркор Маҳзуна Аҳмедовага тегишли давлат-шерикчилик асосида ишлаётган 120 ўринли МТМ мени ҳайратга солди. Банкнинг 1 фоизли 2 миллиард сўм кредити, яна тадбиркор сармояси ишлатилган бино лойиҳаси Жанубий Кореянинг энг яхши болалар муассасалари намунасида, ўзимизнинг шароитимизни ҳисобга олиб тайёрланган. Бинони вилоятдаги тажрибали ташкилот — Жамол Ғаффоров раҳбар «Авангардгидро экспресс» МЧЖ тиклаган. Оёқ ости иситилади. Санитария тизими аъло — кичкинтойлар ва тарбиячилар учун алоҳида-алоҳида шароит. Ошхона, овқатланиш хоналари, ётоқхоналар энг замонавий ускуна ва мебеллар билан жиҳозланган. Тарбиячилар танлаб олинган, рус, инглиз тили ўргатилаяпти. Яна янгилик — барча хоналарга кузатув камералари ўрнатилган. Ота- оналар телефон орқали фарзандлари аҳволидан хабардор бўлиб туришади. Маълум бўлишича, ана шундай замонавий лойиҳалар асосида вилоятда ўнлаб янги МТМлар қурилаётган экан.

Қарши шаҳар мактабгача таълим бўлимига Ораста Тошева мудирлик қилаяпти. Ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси, уч йил Қарши шаҳар ҳокими ўринбосари бўлиб ишлаган, хотин-қизлар қўмитасига раҳбарлик қилган, ташкилотчи, жонкуяр.

Шаҳарда бир замонларда 300, ҳатто 400 ўринли боғчалар қурилган, кейин тўхтаб қолган. Икки йил бурун шаҳар болаларининг 30 фоизга яқини, бугун 52 фоизи муассасаларга қатнаяпти. Йил охиригача бу кўрсаткич 60 фоиздан ошади. Чунки давлат, хусусий, шерикчилик, оилавий муассасаларнинг янги-янгилари ташкил этилмоқда. Мутахассис кадрлар билан таъминлаш ҳам бошқа туманларга нисбатан яхшироқ. Айниқса, оилавий боғчаларни жиҳозлаш талаблар даражасида.

Рус тили ўргатишга ихтисослашган, Моҳира Азизова мудирлик қилаётган 14-МТМга бордим. 1983 йил қурилган бино яхши таъмирланган, 370 бола 14 гуруҳга бириктирилган. Шаҳардаги барча бинолар каби газ билан иситилар экан, ошхонага ҳам табиий газ ўтказилган, шароити яхши. Ишни ўрганиш жараёнида янги таклиф ва мулоҳазалар туғилибди:

Биринчи таклиф. Олий маълумотли тарбиячи Нафиса Турдиева ўрта гуруҳда 22 бола билан турли қўргазмали қуроллар асосида машғулот ўтаётган экан. Тарбиячи телефон орқали бугун машғулотга келмаган 4 нафар бола ҳақида маълумотни тўғри Тошкентга, вазирликка узатди. Бугун алоқа воситалари ўта ривожланган даврда бу яхши қулайлик. Энди вазирлик хабардор бўлади, давлат сиёсати шундай — бола азиз, янги миллат ва халқ улар орқали шаклланади. Яккабоғ туманидаги давлат-шартнома асосида ишлаётган янги «Сирли булоқча» муассасасида видео камералардаги тасвирларни ота-онанинг телефонига узатиш ҳақида ўйлашаётган экан. Бемалол эпласа бўладиган иш. Яна муассаса эгалари иккинчи қаватдаги деразалар учун нафис панжаралар буюришибди, зинапоянинг ён тўсиғини узайтириб, хавфсиз қилиш ҳақида ўйлашаётган экан. Қаршидаги 14-МТМ да ҳам, янги қурилаётган бошқа биноларда ҳам ана шу хавфсизлик ҳақида ўйланса, лойиҳаларга киритилса, нохуш ҳодисаларнинг олди олинган бўларди. Чунки болалар шўх, хавф-хатарга писандсиз бўлишлари табиий.

Иккинчи таклиф. 1983 йилда қурилган, 2015 йилда таъмирланган, 300 болага мўлжалланган 39-МТМда яхши тажрибага дуч келдик. Мураббий Шавкат Алиқулов 3 гуруҳдаги 60 болага қўл жанги сирларини ўргатаётган экан. Мен 5 ёшли Темур Муродов ва 7 ёшли Асад Илҳомовнинг машқини кузатдим. Шу йил апрель ойида Тошкентда болалар ўртасида ўтказилган Осиё очиқ чемпионатида мазкур даргоҳдан — Заҳро, Мадина, Баҳора, Довуд, Бехруз қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашибди. Улар билан суҳбатлашдим. Фикр туғилди — болаларни қабул қилишда 7 хил имтиёз белгиланган экан. Аммо иқтидорли болаларни танлаш кўзда тутилмаган. Бу ҳақда айтганимда, вилоят бошқармаси бошлиғи Асрор Алимардонов Қарши шаҳрида иқтидорли болалар учун алоҳида муассаса ташкил этиш режаси борлигини маълум қилди. Афсуски, бу билан масала ечилмайди. Биргина Чироқчи туманида руйхатдан ўтган 4 минг бола навбат кутаяпти. Демак, Саккизинчи имтиёзни жорий этиш керак. Масалан, 50 бола навбати билан қабул қилинаётганда, уларнинг 5-6 таси (ёки кўпроғи) ўқишёзишни билиши, расм, мусиқа, спортга қизиқиши синовдан ўтказилиб, иқтидорлиси қабул қилинади. Синаб кўриш керак.

Учинчи таклиф. Қарши шаҳрида янги тажриба — «Аутсорсинг» хизмати жорий қилинибди. Бошқача айтсак, «Нишон кўзгуси» фермер хўжалиги ва «Вақт завқи» хусусий корхонаси МТМлар ошхоналарини ижарага олибди. Ошпазларга иш ҳақини ҳам ўзи тўлар, масаллиқлар билан таъминлар экан. Болаларни овқатлантириш ҳамиша эътибор талаб қилган. Вазирлар Маҳкамасининг Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорига биноан алоҳида Низом қабул қилинган. Муассасалар ва ота-оналар ўртасида тузилаётган шартномаларда санитария қоидалари, нормалари, гигиена нормативлари асосида сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мажбурияти олинган.

Нитратга тўйдирилган сабзавот, сифатсиз гўшт, кейинги пайтда пайдо бўлган биоқўшимчалар ва антибиотиклар билан боқилган товуқларни болалар овқатига ишлатиб бўлармикан?

Шўро замонида, ундан кейинги йилларда ҳам муассаса мудири, парҳез таомлар ҳамшираси, таъминотчи «Таомнома»ларни имзолаган. Ҳақиқатни биладиган, кичкинтойларни ўз фарзандидек ардоқлайдиган тарбиячи бир чеккада қолиб кетаверган. Замон ўзгарди, ота-оналар ишонадиган, болалар меҳр қўйган тарбиячилар ҳам «Таомнома»ларни имзолаши, «мулоҳаза» деган жойига қайси овқатлар берилмаганлиги, сифати ҳақида фикрларини ёзишни жорий қилиш лозим. Шунда кўп тортишувлар ўз-ўзидан ҳал бўлади. Хусусий, оилавий муассаса эгалари ошхоналарини тадбиркорларга ижарага беришга кўнмайди, сифатли овқатлантиришдан улар ниҳоятда манфаатдор, шунинг учун яхши масаллиқлар олиб келишади.

Кичкинтойлар тарбия олаётган муассасалар иши билан танишар эканман, воҳада яхши ишлар кўпайиб бораётганига амин бўлдим.

Ўтмишдаги камчиликлар ва бугунги ўзгаришларни эринмай ўрганиш, энг чекка қишлоқларга бориш, турли йўналишдаги болалар таълим масканларини таққослаш маслаҳатини берган, қайси бири афзаллигини сўраган Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рўзиевнинг сўроғига шундай жавоб бергим келди:

— Қаерда бола чинакам қадр топса, ўша жой афзал! Тарбия муассасаси қадрдон уйга айланиши, фарзандларимиз бир оила бағридан иккинчи оила бағрига бориши лозим. Янги давр талаби шундай!

Юнус УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.



Анжуман

4 минг 335 лойиҳага 692,4 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди

Натижада республика бўйича 25 мингга яқин янги иш ўрни яратилди

Миллий матбуот марказида «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси томонидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Президентимизнинг 2018 йил 27 июндаги «Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»ги фармонига асосан жамғарма ташкил этилди, — дейди **Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси ижрочи директори Бунёдбек Баҳромбеков.** — Жамғармамиз ўтган йил давомида бир қатор ишларни амалга оширди. Хусусан, ёшлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ва ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида бугунги кунга қадар жамғарма маблағлари ҳисобидан 4 минг 335 лойиҳага жами 692,4 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Натижада республика бўйича 25 мингга яқин янги иш ўрни яратилишига эришилди. Яна шуни алоҳида айтиб ўтмоқчиман, ушбу Давлат дастурининг аҳамиятга молик жиҳати шундаки, ёш тадбиркорлар томонидан олинадиган кредит қийматининг 50 фоизигача жамғарма томонидан бевосита кафилликлар бериш амалиёти йўлга қўйилган. Ўтган вақт мобайнида дастур доирасида 46 нафар ёш тадбиркорнинг 15,9 миллиард сўмлик лойиҳаларига жамғарма кафиллиги тақдим этилиб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашларига кўмаклашилди.

Дастурнинг ёшларга бераётган яна бир имконияти, бу шубҳасиз, минглаб ёшларни ўз бағрига жалб қилиб, уларни тадбиркорлик соҳасидаги билимларини ошириш билан бир қаторда бандлигини таъминлашга хизмат қилаётган республика бўйича 19 «Yosh tadbirkorlar» коворкинг маркази ҳамда 125 «Yoshlar mehnat guzari» комплекси ташкил этилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу марказ ҳамда комплексни ишга тушиши натижасида 1 минг 814 янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, жорий йилнинг якунига қадар яна 35 «Yosh tadbirkorlar» коворкинг маркази ҳамда 200 «Yoshlar mehnat guzari» комплекси фойдаланишга топширилади ва уларда ҳам 6 мингга яқин янги иш ўрни яратилади.

— Ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, шунингдек, ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида жамғармамиз ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан «Тадбиркорлик сирлари», «Бизнес-режа тузиш», «Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш», «Кредит ва солиқ сиёсати» каби мавзуларда 507 та бизнес-семинар ташкил этилиб, уларда 13 минг нафардан ортиқ йигит-қизнинг билим ва малакалари оширилди, — дейди **«Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси ижрочи директори ўринбосари Илёс Раҳимов.** — Бундан ташқари, дастурнинг мазмун-моҳиятини ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги ёшларни ҳудудлардаги йирик ва самарали фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик лойиҳалари билан таништириш мақсадида жойлардаги 858 йирик ишлаб чиқариш корхонаси, технопарк ва саноат зоналарига бизнес-саёҳатлар ташкил этилди. Уларга 30 минг нафардан ортиқ ўз тадбиркорлигини бошлаш истагидаги ёшлар жалб қилинди. Шу билан бирга дастур доирасида имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлигини йўлга қўйган 522 нафар ёш тадбиркор иштирокида республикамизнинг 63 туман ва шаҳарида улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар савдо ярмаркалари ташкил этилди ва маҳсулотларининг харидоргирлиги янада ошишига, кўплаб корхоналар билан шартномалар тузилишига имконият яратилди.

Тадбирда, шунингдек, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида 2018 йилнинг октябрь ойида биринчи «Ўзбекистон — Россия ёшлар бизнес-форуми» ўтказилгани, унда ҳамкорликнинг устувор вазифалари сифатида икки мамлакатнинг ёш ишбилармонлари ўзаро тажриба алмашиши билан бирга, қўшма бизнес-лойиҳаларини амалга ошириш, янги корхоналар ташкил этиш, ахборот технологиялари каби соҳалар бўйича ҳамкорликни йўлга қўйгани ўз самарасини кўрсатаётгани тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Матбуот анжумани сўнгида журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар миллий хавфсизликка таҳдид солувчи оғир жиноятдир.

БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Жиззах Олий ҳарбий авиация билим юртини ёш мутахассисларнинг навбатдаги гуруҳи битириб чиқди.

Шу муносабат билан вилоят марказидаги Ш.Рашидов хиёбонида битирувчиларга лейтенант ҳарбий унвони, диплом ва кўкрак нишонларини топшириш маросими ўтказилди.

Билим юртини битириб чиққан ҳарбий мутахассислар Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини ҳимоя қилишда чинакам мардлик ва жасорат кўрсатиб, мамлакатимиз ҳарбий ҳаво кучлари салоҳиятини намоён этмоқда.

Бу йил билим юрти тарихидаги йигирма иккинчи битирувчилар хизматга йўл олди. Шу муносабат билан ёш зобитларга диплом, кўкрак нишони, лейтенантлик унвони топширилиб, хизматга кузатиш маросими тантанали вазиятда ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари вакиллари ва битирувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тантанали маросимда Президентимиз томонидан мамлакатимиз Қуролли Кучларини модернизациялашга берилаётган катта эътибор туфайли кейинги йилларда юқори малакали ҳарбий мутахассислар тайёрлаш янада яхшиланганлиги алоҳида таъкидланди. Маросимда сўзга чиққанлар билим юрти раҳбарлари, ўқитувчилар, фахрийлар, ота-оналар давлатимизнинг халқимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлашда олиб бораётган изчил сиёсатини маъқуллаб, ёш авиация мутахассисларига Ватанимиз мусаффо осмонини қўриқлашдек шарафли хизматда муваффақият тилади.

— Бугун ўғлим Беҳроз Шакаров битирувчилар сафидалигидан хурсандман, — дейди **Самарқанд вилояти Қўшработ туманидан келган Нилуфар Қурдошева.** — Ана шу ўғлонлар сафида менинг ҳам фарзандим борлигидан бениҳоя бахтлиман. Ушбу билим юртини битириб чиққан ўғлим ва унинг дўстлари Ватанимизга, халқимизга, Президентимизга садоқат билан хизмат қилиб, ўзларининг бурчини оқлашларига ишонаман. Барча оналар номидан уларга оқ йўл, хизматларида улкан муваффақиятлар тилайман.

Тантанали маросим билим юрти шахсий таркибининг жанговар паради, кўргазмали чиқишлари, бадиий жамоалар концерти билан байрамона ўтди.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.

Одам савдосига қарши кураш жамоатчилик нигоҳида

ИЖТИМОИЙ СЎРОВ

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази одам савдосининг сабаб ва оқибатлари, фуқароларнинг мамлакатимизда бундай жиноятга қарши курашда амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаш мақсадида ана шу мавзуда сўров ўтказди.

Натижа шуни кўрсатдики, қатнашчиларнинг 59,6 фоизи жиноятнинг бу туридан хабардор, учдан бир қисми умумий тасаввурга эга. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган фуқаролар, шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси, эркаклар ва аёллар, ёшлар ва кекса авлод вакиллари давлатимиз раҳбарининг хорижда одам савдоси қурбонига айланган ҳамюртларимизни қайтариш ва реабилитация қилиш, уй-жой ва иш билан таъминлаш орқали қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни фаоллаштиришга қаратилган ташаббусларини ижобий баҳолайди.

Аксарият учун (90 фоиз) телевидение одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шу билан бирга, бу борада интернетни асосий манба деб ҳисобловчи респондентлар улуши 28,4 фоизга етган (2017 йилда 4,7 фоиз). Айниқса, фуқароларнинг одам савдосида қўлланиладиган восита ва услублардан хабардорлик даражасини оширишда ижтимоий тармоқлар муҳим бўғинга айланиб бормоқда.

Қатнашчиларнинг 88,7 фоизи "одам савдоси халқаро уюшган жиноятчиликнинг миллий хавфсизликка таҳдид солувчи оғир шаклларидан бири", деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, одам савдосига қарши самарали курашиш, жиноятчиларни таъқиб қилишни кучайтириш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва ахборот воситаларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарур.

Сўров иштирокчиларининг 65 фоизи одам савдоси билан боғлиқ жиноят содир этганларга "нафрат ва ғазаб", 47,5 фоизи жабрланганларга "раҳм-шафқат ва ачиниш" ҳиссини изҳор этди. 41,8 фоизи "жиноятчилар муқаррар жазоланиши" тарафдори эканини билдирди.

Тадқиқот натижаларига кўра, одамларни хорижга чиқишга мажбур қилаётган асосий омил ўзи истиқомат қилаётган жойдан иш топа олмаганидир. Респондентларнинг 62,3 фоизи одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар тарқалишига асосий сабаб – билимсизлик, 23,7 фоизи – енгилтаклик, иродасизлик, ўзига ишонмаслик. Иштирокчиларнинг қарийб ярми тез ва осонлик билан катта пул топиш истагида бўлганлар шундай жиноятдан жабр кўради, деб ҳисоблайди.

Сўров қатнашчиларининг фикрлари асосида бундай жиноятдан жабрланган одамнинг ижтимоий-психологик портрети тузилди. Бу – 21-30 ёшлардаги яхши маълумотга эга бўлмаган, енгил даромад топиш истагида юрган, ҳуқуқий маданият даражаси паст, ҳаётий тажрибаси кам, энг муҳими, касб-ҳунарсиз, ҳар қандай ишни бажаришга тайёр шахсдир.

Кўп ҳолларда меҳнат муҳожири ўз хавфсизлигини ўйламайди, хорижда тегишли ҳужжатларсиз ишлаганда қандай қийинчиликларга учраши мумкинлигини билмайди.

Бугунги кунда мамлакатимиз фуқаролари мажбурий меҳнат қилган асосий соҳалар қурилиш ва қишлоқ хўжалигидир.

Тадқиқот хорижда иш топиш мақсадида нотаниш шахсга мурожаат қилиш оқибатида жабрланганлар камайганини кўрсатди. Бу мамлакатимизда аҳолини шундай усулдаги меҳнат миграциясининг хавфли томонларидан хабардор қилиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларнинг таъсирчанлигидан далолат беради. Сўров натижаларига кўра, давлат бандлик хизматига мурожаат қилган ва нодавлат ташкилотларида рўйхатга олинган фуқаролар тадқиқот даври давомида одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиларга дучор бўлмаган.

Аниқланганидек, ҳар тўртинчи ҳолатда одам савдоси билан боғлиқ жиноятдан жабрланганларнинг яқинлари уларни қутқариш учун бирон чора кўрмаган. Улар асосан ҳуқуқ-тартибот органларига, баъзан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотларига мурожаат қилган. Аксарият ҳолларда мурожаат этилган тузилмаларнинг хатти-ҳаракатлари самарали бўлган.

Респондентлар меҳнат муҳожири бошқа мамлакатга кетиш олдидан маҳаллий тил, қонунчиликни ўрганиши муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, одам савдосига қарши кураш фақат давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзлари ўртасида фаол ҳамкорлик қарор топтирилгандагина самарали бўлади.

«Ижтимоий фикр»
Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида
ЎзА мухбири О.ХАРЧЕНКО тайёрлади.

БИЛАСИЗМИ?

Кимлар мол-мулк *солиғидан озод этилган?*

Қуйидаги **жисмоний шахслар мол-мулк** (уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар) **солиғидан** озод этилган:

— «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқаролар. Мазкур имтиёз **тегишинча гувоҳнома, орден дафтарчаси ёки мудофаа бўлимининг маълумотномаси асосида** берилади;

— уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар. Мазкур имтиёз **тегишли гувоҳнома ёки мудофаа ишлари бўлимининг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида** берилади;

— ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор аёллар. Мазкур имтиёз **маҳалла йиғинининг маълумотномаси асосида** берилади;

— пенсионерлар. Мазкур имтиёз **пенсия гувоҳномаси асосида** берилади;

— I ва II гуруҳ ногиронлари. Мазкур имтиёз **пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида** берилади;

— ҳарбий хизматни ёхуд ички ишлар органларидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия бўлганлиги ёки шикастланганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар органлари ходимлари ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари). Имтиёз **пенсия гувоҳномаси ёки тегишли органлар томонидан берилган маълумотнома асосида** берилади;

— энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган турар жойларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар — муқобил энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан уч йил муддатга. Имтиёз **энергия таъминоти ташкилотлари томонидан берилган маълумотнома асосида** берилади.

Қандай шахсларга *имтиёзли тиббий ёрдам кўрсатилади?*

Қуйидаги шахсларга барча республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **имтиёзли тиббий ёрдам** кўрсатилади:

— болаликдан ногиронлар;

— чин етимлар;

— I ва II гуруҳ ногиронлари;

— 1941 – 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар;

— ёшга оид пенсияга чиққан ишламайдиган шахслар;

— 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат жабҳасининг қатнашчилари;

— Чернобиль АЭСи фалокатини тугатишда иштирок этган шахслар жумласига кирувчи ногиронлар;

— байналмилалчи-жангчилар;

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилаларга мансуб шахслар;

— 18 ёшга тўлмаган патологияли болалар;

— чақирув комиссияларининг йўлланмалари бўйича чақирув ёшидаги (18 – 27 ёшдаги) шахслар.

Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича қуйидагилар:

— патологияли ҳомиладор аёллар;

— эндокрин касалликларига чалинган беморлар;

— жинсий йўл билан юқириладиган касалликларга чалинган шахслар;

— сил касаллигига чалинган шахслар;

— онкология касалликларига чалинган шахслар.

Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга *қандай имтиёзлар берилади?*

Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган танаффусдан ташқари, **болани овқатлантириш учун қўшимча танаффуслар** ҳам берилади.

Бу танаффуслар камида **ҳар уч соатда бир марта ҳар бири ўттиз минутдан кам бўлмаслиги** лозим. Икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлган тақдирда, танаффуснинг муддати камида **бир соат** қилиб белгиланади.

Болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар иш вақтига киритилади ва ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоби бўйича **ҳақ тўланади.**

Боласи бор аёлнинг хоҳишига кўра, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар дам олиш ва овқатланиш учун белгиланган танаффусга қўшиб берилиши ёки умумлаштирилиб, иш кунининг (иш сменасининг) бошига ёки охирига кўчирилиб, иш куни (иш сменаси) шунга яраша **қисқартирилиши** мумкин.

Бу танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгилаб қўйилади.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy axborot» канали.

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2018 йил 12 июнь сонида «Айблов хулосаси бор, далил-ашё-чи? ҳужжатларнинг «гапиришича», жиноят иши асоссиз қўзғатилган» сарлавҳали мақола чоп этилган эди.

3 ҲУЖЖАТГА ҚОНУНИЙ БАҲО БЕРИШ КЕРАК

ёки жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг бир ажрими ҳақида баъзи мулоҳазалар

Унда Янгийўл тумани ИИБ ҲООБ озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижро этилишини назорат қилиш бўлинмаси бошлиғи, майор Шарифжон Каримовга қўйилган айблов хусусида мулоҳазалар билдирилганди. 2013 йил 14 ноябрда Янгийўл туман прокуратураси томонидан Жиноят кодексининг 208-моддаси билан унга нисбатан жиноят иш қўзғатилган бўлиб, ЖКнинг 208-моддасига кўра, Шарифжон Каримов ҳокимият ҳаракатсизлиги, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармасликда айбланган.

2014 йил 30 январда ЖИБ Янгийўл туман суди судьяси Р.Лутфуллаев Шарифжон Каримовга оид жиноят ишини амнистия тўғрисидаги қарорга асосан тугатган.

2017 йил 12 декабрда ЖИБ Тошкент вилоят суди кассация инстанцияси (раислик қилувчи С.Аширматов, ҳайъат судьялари М.Ходжаева ва Х.Шермуҳамедов) қуйи суд ажримини ўзгаришсиз қолдирган.

Шарифжон Каримов ўзининг айбсиз эканлиги хусусида кўп жойларга мурожаат қилди. Поймол этилган ҳуқуқини тиклашларини сўраб, шикоятлар ёзди, даста-даста ҳужжатларни тақдим қилди. 2019 йил 19 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати: раислик қилувчи Ш.Ражабов, судьялар Ҳ.Бердикличев ва Н.Ражабов Шарифжон Каримов шикоятини ҳар томонлама, холис ва адолатли кўриб чиқди ва ЖИБ Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 12 декабрдаги ажримини бекор қилди.

Судлов ҳайъати ажримида қайд этилгандек, Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги қарори 21-бандида ҳимоячининг иштироки шарт бўлган иш ҳимоячининг иштирокисиз тергов қилинган ёки судда кўрилган бўлса, бу ҳолат судланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид жиноят-процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилиши, деб баҳоланиши ва бундай ҳолатнинг аниқланиши суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлиши хусусида тушунтириш берилган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди томонидан қонун талаблари ҳамда Пленум қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаган. Бундай ҳолатда иш бўйича чиқарилган кассация инстанцияси судининг ажримини қонуний ва асосли деб бўлмайди.

Олий суд судлов ҳайъати Шарифжон Каримов ёки бошқа шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлиги ҳақидаги қарорнинг мавжуд эмаслигига ҳам эътибор қаратган.

Шарифжон Каримов 2013 йил 1 ноябрда раҳбарият имзоси билан тасдиқланган хат билан судга мурожаат қилган. Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман суди 2013 йил 6 ноябрда ушбу хатга асосан 6 нафар маҳкумга нисбатан қидирув эълон қилади, улар ушлангандан сўнг ИИВ ЖИЭББ 1-сонли Тергов ҳибсхонасига жойлаштириш ҳақида ажрим чиқаради. Олий суд судлов ҳайъатининг ажримига кўра, бундай ҳолатда Шарифжон Каримовга нисбатан юритилган жиноят ишини амнистия актига мувофиқ тугатиш тўғрисидаги илтимоснома прокурорнинг розилиги билан судга юборилмаслиги керак. Чунки Шарифжон Каримов суднинг ажрими чиқарилмасдан туриб, 6 нафар маҳкум жазони ўташдан қасддан бўйин товлаб келаётганлиги сабабли уларнинг жазосини шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириш чораларини кўрган ва бу ҳақда суднинг ажрими бор.

Олий суд судлов ҳайъати ана шуларга асосан Шарифжон Каримовга нисбатан чиқарилган ЖИБ Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 12 декабрдаги ажримини бекор қилди ва жиноят ишини янгидан кассация инстанцияси судида кўриш учун юборди.

2019 йил 23 апрелда ЖИБ Тошкент вилояти суди кассация инстанцияси: раислик қилувчи Ю.Ильхамов, ҳайъат судьялари Р.Мадумаров ва Б.Розиқов Олий суд судлов ҳайъатининг ажрими бўйича Шарифжон Каримов ишини қайтадан кўриб чиқди ва ЖИБ Янгийўл туман судининг 2014 йил 30 январдаги ажримини бекор қилди.

Қизиқ томони, судга раислик қилган Ю.Ильхамов Шарифжон Каримовга нисбатан дастлабки тергов ҳаракатлари юритиш учун «иш»ни Тошкент вилоят прокурори орқали тегишли тергов органига юбориш ҳақида ажрим чиқарди!?

ЖИБ Янгийўл туман судининг 2013 йил 6 ноябрда 6 нафар маҳкумга нисбатан қидирув тўғрисидаги ажрими бўлса-да Янгийўл тумани собиқ прокурори З.Йўлдошев томонидан 2013 йил 14 ноябрда Шарифжон Каримовга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлигини асосли, деб бўладими?

Терговчи Б.Каримов эса ЖПК 22-моддаси талабларига зид равишда тергов ҳаракатларини олиб борганлигини қандай тушуниш мумкин?

– Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг 2019 йил 23 апрелдаги Шарифжон Каримов «иши»ни дастлабки тергов ҳаракатлари юритиш учун прокуратурага юборганлиги мутлақо тушунарсиз ҳамда мантиқсиздир, —дейди **«Мухтор Шапсанов» адвокатлик фирмаси адвокати Зокир Шапсанов.** — Сабаби, Шарифжон Каримовга нисбатан жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги қарорнинг ўзи йўқ. Шундай бўлсада, тергов ҳаракатлари ноқонуний ва асоссиз олиб борилган. Олий суд судлов ҳайъати ажримида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, қонуний тўхтамга келиш ўрнига ЖИБ Тошкент вилоят суди кассация инстанцияси масъулиятни ўзидан соқит қилди. Сизга айтсам, учта ҳужжатга баҳо бериш учун ҳуқуқшунос бўлиш шарт эмас. Нега суд 2013 йил 1 ноябрь, 6 ноябрь ва 14 ноябрь саналарига эътибор бермаяпти? Яна бир гап. Шарифжон Каримов «иши» бўйича гувоҳ ҳам, эксперт ҳам керак эмас. Шарифжон Каримов 2013 йил 1 ноябрда хат тайёрлаб, судга мурожаат қилган. Суд эса 6 ноябрда 6 нафар маҳкумга қидирув эълон қилиш ҳамда ушланганларидан сўнг шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ажрим чиқарган. Янгийўл туман прокуратураси ана шу ҳужжатлардан кўз юмиб, 2013 йил 14 ноябрда Шарифжон Каримовга нисбатан жиноят иши қўзғатган. Атиги 3 та ҳужжатга қонуний баҳо бериш ЖИБ Тошкент вилоят судига оғирлик қиляптими?..

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Халқ таълими соҳасида билимли, маданиятли, ҳалол инсонлар қанча кўп бўлса, муваффақиятларимиз шунча юқори бўлади. Акс ҳолда...

Мактаб директорлари нега ишдан бўшатилди?

Сурхондарё халқ таълими бошқармаси бошлиғи ва вилоят прокурори диққатига

«Мен туман халқ таълими бўлими мудири Баҳром Ҳакимовни ўз машинамда олиб юриб, шахсий юмушларини бекаму-кўст бажариб келардим, — дейди Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги 19-сон умумтаълим мактаби директори Жаҳонгир Бадалов. — Бироқ, шу йилнинг 18 март куни тунги соат 12:30 ларда телефон орқали берган хизмат топшириғини шаҳар марказидан анча олис қишлоқда яшаётганлигим боис бажара олмадим. Аксига олиб, ўша куни машинамни ҳам отам ҳайдаб кетган эди. 25 март куни мудир мени хонасига чақириб, нега топшириғимни бажармайсан деб, кутилмаганда ерга йиқитиб, калтаклади. Мен жон аччиғида шу куннинг ўзидаёқ туман прокуратурасига мурожаат қилдим. Туман прокурори ўринбосари Намоз Авазовнинг хонасида мудир мендан ялиниб-ёлвориб узр сўради.

Инсон боласи олов каби лов этиб ёнсада, бир зумда ўчади деганлари рост экан. Мен ҳам бир пастда ҳаммасини унутдим. Гарчанд мудирнинг дилозорлигидан қалбим тилка-пора бўлган бўлсада, унинг туман прокурори ўринбосари Н.Авазов ва кекса педагог Т.Нормуродов ҳузурида ялиниб-ёлворишидан қалбим эриб уни кечирдим. Бироқ орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас у мени яна хонасига чақириб, прокурорга ёзиб бериб, қўлингдан нима келди, бу ишинг учун ҳали кўрасан, деб даг-дага қилди. Кўпол сўзларни ишлатиб нафсониятимга тегди. Шундан сўнг мен таҳририятга мурожаат этишга қарор қилдим...».



Қумқўрғон туман халқ таълими бўлими мудири Баҳром Ҳакимовнинг бу каби ишларидан норози бўлган 31-сон умумтаълим мактаби ўқитувчиси Абдумажид Саидов, халқ таълими бўлими услубчиси Бибиражаб Сайфитдинова, 11-сон умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шерзод Бадаловлар ҳам шикоят қилишди. 16 май куни эса қумқўрғонлик кекса педагог Тилла Нормуродов таҳририятимизга келиб, мудирнинг бу ва бошқа ҳаракатларидан ташвишланиб гапирди.

Биз Қумқўрғон туманига борганимизда халқ таълими бўлими мудири Баҳром Ҳакимов Тошкентга кетган экан. Мудир ўринбосари Парда Зиёдуллаев, бош ҳисобчи Улуғбек Бердимуродов, бош иқтисодчи Жалолиддин Бобожонов, махсус таъмирлаш эксплуатация хизмати мутахассиси Ўктам Темуровлар аризачилардан нолиб шовқин кўтаришди.

Бош ҳисобчи Улуғбек Бердимуродов таҳририятга йўлланган шикоят хатга яна бир бор кўз югуртирдида, булар бир йилдан буён тинимсиз ёзиб юрибди, — деди ғижиниб. — Ҳаммаси туҳмат, исботини топгани йўқ. Қолаверса, бухгалтерия ишларини ҳар ким ҳам тушунавермайди. Бу ишлар билан мутахассислар шуғуллангани яхши. Мана, қўлимда уларнинг хулосаси. Ҳаммаси иғводан иборат эканлиги асослаб берилган.

Дарҳақиқат, вилоят Давлат молиявий назорат бошқармаси бошлиғи ўринбосари М.Эшқобилов, Халқ таълими бошқармаси мутахассислари С.Ашуров, З.Ўтаев, А.Нормуродов, Бандлик бош бошқармасининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори А.Менгноров ва бошқалар томонидан тузилган далолатномада ариза муаллифларининг барча даъволари асоссиз эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Масалан, аризада 43-мактабнинг собиқ директори Исроил Бойпўлатов мактабларга тарқатилган компьютердан бир донасини мудирга бермагани учун калтакланиб, ишдан ҳайдалгани тилга олинса, яна бир жойда 33- ва 70-сонли умумтаълим мактабларини таъмирлаш баҳонасида 81 та мактабдан 500 мингдан 3 миллион сўмгача пул йиғиштириб олинмоқда, дейилган. Мутахассислар ариза муаллифларининг бу даъволарини ҳам инкор этар экан, қурилиш ишлари бюджет маблағлари ҳисобидан бажарилаётгани, мактаб ходимларининг иш ҳақидан пул ўтказиш ҳолатлари бўлмаганини баён этишган.

Аслида ҳам шундайми? Ҳолбуки, биз текшириб кўрганимизда 19-сонли умумтаълим мактаби ҳисобидан 2018 йилнинг 8 май куни 867 минг сўм пул банкка ўтказилган.

— Агар бу ишлар чуқурроқ ўрганилса, барча кўзбўямачиликлар фош этиларди, — дейди шикоят хат муаллифлари. — Бироқ ҳуқуқни мухофаза қилувчи идораларга ёзган аризамиз тўлиқ ўрганилмади. Тафтишчилар 13 та мактаб билан чегараланиб, жиноятни очиқдан-очиқ яширишди.

Қумқўрғон туман «Сурхон соҳили» маҳалласида яшовчи фуқаро Т.Нормуродов ва бошқаларнинг туман прокурори номига ёзган мурожаати бўйича 2019 йил январь ойида вилоят ДМН бошқармаси бош назоратчиси Ф.Турсунов ва туман молия бўлими мутахассислари иштирокида ўтказилган текширувда бир қатор камчиликлар аниқланган.

Бухгалтерия ҳужжатларида ходимнинг нақд пулни олганлигини тасдиқловчи имзоси бўлмасада, чиқим қилиш ҳоллари амалга оширилган. Масалан, бош ҳисобчи Улуғбек Бердимуродов, 16-сонли умумтаълим мактаб директори Б.Достонов, 47-сонли мактаб директори М.Ғаппоров, шунингдек, 25- ва 50-сонли мактаб директорлари Р.Холматов ва З.Маматалиевларнинг видемостда нақд пулни олганлигини тасдиқловчи имзоси мавжуд бўлмасада, касса операцияларни амалга ошириш қоидаларига зид равишда хазиначи томонидан 73 миллион 474 минг сўм маблағ чиқим қилиб юборилган. Шунингдек, 50 миллион сўмга яқин озиқ-овқат ва канцелария маҳсулотлари ҳам ана шундай йўллар билан чиқарилган. Бошқа бир ҳолатда эса, 24 миллион сўм бюджет маблағи ортиқча ҳисобланишига йўл қўйилган.

Яна бир масала кишини лол қолдиради. 2-сонли умумтаълим мактабининг ўқитувчиси **Сурайё Қорабоеванинг** 2017 йили ўртача иш ҳақи ойига 360 минг сўмни ташкил этган бўлса-да, унинг туғиш ва туғишдан кейинги касаллик варақаси учун 19 миллион 980 минг сўм пул ажратилган. Шунингдек, Шоҳиста Алибоева номига 10 миллион 506 минг сўм, Хайринисо Дониевага 9 миллион 565 минг сўм пул ёзилган. Бунинг сабабини бош ҳисобчи Улуғбек Бердимуродовдан сўраганимизда 2-сонли умумтаълим мактабида **50 нафарга яқин** аёл ўқитувчи ишлашини, ўтказилган пул маблағлари ана шу мактабдаги барча ҳомиладор аёлларнинг туғишдан олдинги ва туғишдан кейинги касаллик варақалари учун тўланганлигини айтди. Дарҳақиқат, унинг қўлидаги 2017 йилнинг 20 ва 27 декабрь кунлари қайд этилган «Банк тўлов топшириқномаси»да ҳам мактаб ўқитувчиларининг «касаллик варақалари учун» деб ёзиб қўйилган.

Бироқ бизнинг қўлимиздаги иккинчи бир ҳужжат «Банк тўлов топшириқномаси»да эса бунинг акси кўрсатилган. Биз ана шу чалкашликларга аниқлик киритиш мақсадида, юқорида номлари тилга олинган ўқитувчилар билан учрашиш истагини билдирдик. «Бунинг сира иложи йўқ, — деди бош ҳисобчи қатъий оҳангда. — Чунки С.Қорабоева қўшни туманлардан бирига кўчиб кетган бўлса, Х.Дониева эса тўрт йилдан буён кетма-кет тўртинчи боласига ҳомиладор бўлиб, умуман кўринмай қолди. Ҳозир уларни қаерда яшашини ҳам билмаймиз.»

Сўраб-суриштириб, Маккани топибдилар, деганларидек, биз ҳам бир амаллаб, Сурайё Қорабоевани қидириб топдик. Уни бошқа туманлардан бекорга излаган эканмиз. Чунки у халқ таълими идорасининг шундоққина биқинидаги 2-сонли мактабда ишлар экан. Ё, алҳазар! Буни қарангки, Сурайё Қорабоева умуман ҳомиладор бўлмаган экан. Қойил-э!

«19 миллион 980 минг сўм пулдан умуман хабарим йўқ, — дейди у кўз ёшларини аранг тийиб. — Давлат маблағини ўмарган фирибгарлар менинг номимни ҳам булғашди...

Хайринисо Дониева эса тўртинчи боласига эмас, 2017 йили иккинчи боласига ҳомиладор бўлганидан кейин касаллик варақаси учун 2 миллион 500 минг сўм пул олганини гапириб берди. «Менинг номимга ёзилган 9 миллион 565 минг сўм маблағдан умуман хабарим йўқ», — дейди у ҳам ажабланиб.

2-сонли умумтаълим мактабининг собиқ ҳисобчиси Қаҳрамон Жўраев бизни панадан кузатиб турган кўринади чоғи, охир-оқибат ёнимизга келиб, С.Қорабоеванинг номига ёзилган 19 миллион 980 минг сўм пулни сохта ҳужжатлар билан ёлғиз ўзи ўзлаштириб олганини тан олди. М.Донаеванинг номига чиқарилган 9 миллион 565 минг ва Ш.Алибоеванинг номига ёзилган 10 милллион 506 минг сўм пулдан хабарим йўқ, — дейди у.

Унинг бу гапларига ишониш қийин. Чунки С.Қорабоеванинг номига пул олинган банк ҳужжатларида М.Донаева ва Ш.Алиеваларнинг номи ҳам қайд этилган. Қолаверса, бу каби ишларни халқ таълими бўлими мудири, айниқса, бош ҳисобчи иштирокисиз амалга ошириш мумкинми?

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ходимларга берилган интизомий жазонинг муддати тугамай туриб, уларга рағбатлантириш пули берилиб, ортиқча харажатларга йўл қўйиб келинган. Масалан, халқ таълими бўлимининг 2018 йил 29 май кунидаги 285-К сонли буйруғи билан 23- ва 51-сонли умумтаълим мактаблари директорлари Эркин Искандаров ва Юлдош Зияевга хайфсан берилган бўлса, 2018 йилнинг 29 июнь куни 134-К сонли буйруқ билан 15-сонли умумтаълим мактаб директорининг ўринбосари Я.Менгноров ва бошқаларга интизомий жазо қўлланилган. Бироқ, ана шу даврда уларга ортиқча 22 миллион 479 минг сўм рағбатлантириш пули берилиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 180-моддаси талаблари қўпол равишда бузилган.

«Дилфуза Мамадиёрова, Жавҳар Мусаева ва Истам Раҳмоновлар бизнинг мактабимизда умуман ишламайди, -дейди Жаҳонгир Бадалов. — Бироқ, марказлашган бухгалтерия томонидан уларга доимий равишда иш ҳақи тўлаб келинган. Наҳотки, давлат маблағлари шу қадар талон-тарож қилинса. Яқинда пластик картамга 1 миллион 200 минг сўм ортиқча пул ўтказилди. Хазиначидан сўраганимда, бу мудирнинг «ҳаққи», қайтариб беришларинг керак, деди. Кейинги ойдаги иш ҳақимдан қайтириб бердим. Бундан ташқари ҳар ойда 200 мингдан 500 минг сўмгача пул йиғиштириб олинади. Буни кўпчилик билади. Лекин ҳамма жим. Мудирнинг айтишича, бу пуллар турли тадбирларда ишлатилар экан. Қандай тадбирларда? Нега, бу каби ишлар ўқитувчиларнинг ойлик маоши ҳисобидан амалга оширилиши керак?..

Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, барча мактабларга тўрт ва олтитадан кузатув камералари ўрнатилди. Ҳар бир камера учун 1 миллион 500 минг сўмдан тўлаб келаётган эдик. Халқ таълими бўлимига Баҳром Ҳакимов мудир бўлиб келган кундан эътиборан, камераларнинг нархи икки-уч барабарга кўтарилди. Яна бир гап. Ўтган йили «Термиз таъминот»дан олтита мактаб учун 14 тадан компьютер жамланмасини олдик. Ҳужжатларни расмийлаштириш вақтида мудир ҳар биримиздан биттадан компьютерни олиб қўйди.

Унинг «инновацион» иш услубларидан яна бири мактаб директорларини тез-тез алмаштиришдан иборат. У қисқа вақт ичида қирққа яқин мактаб директорини ишдан бўшатди. Улар ўрнига мудирнинг чизиғидан чиқмайдиган, ҳар бир гапига «лаббай» деб жавоб берадиган «уддабуронлар» тайинланмоқда. Узоқ йиллик педагогик тажрибага эга бўлган моҳир ўқитувчилар бир четда қолиб, бошқалар директорликка тайинланди.

Масалан, 11-сонли мактаб директори Шерзод Бобоев билимли ва тажрибали мутахассис бўлишига қарамай, мудир шартига кўнмагани учун ишдан олинди.

— Ўқитувчиларнинг иш ҳақидан бўлса ҳам «Обод қишлоқ» дастури учун пул ўтказиб берасан деб, қистовга олди, — дейди Ш.Бобоев. — Ўқитувчилар эса бунга рози бўлмади. Шунда мен иш ҳаққимдан 100 минг сўм ўтказиб бердим. Бу мудирни қаноатлантирмади, аксинча, ғазабини келтириб, мени кувғун қилди.

Ноқонуний ишдан бўшатилгани учун Термиз туманлараро суди уни ишга тиклаш борасида 2017 йилнинг 7 сентябрь куни ҳал қилув қарорини чиқарди. Бу эса мудирга ёқмади. Шундан сўнг уни яна мактаб директорлиги курсисидан йиқитиш мақсадида 2018 йилнинг март ойида йўқ жойдан унга ҳайфсан эълон қилди. 10 май ва 28 декабрь кунлари эса 30 фоизлик интизомий жазога тортди. Сал ўтиб эса, яна ҳайфсан бериб, 2019 йилнинг 4 март куни иккинчи бор ишдан бўшатди.

Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди туман халқ таълими бўлимининг бу ҳаракатларини асоссиз деб топиб, уни ишга тиклаш борасида қарор қабул қилди. Вилоят Халқ таълими бошқармаси эса суднинг ана шу қарорига асосан шу йилнинг 31 май куни Ш.Бобоевни иккинчи бор 11-умумтаълим мактаби директори вазифасига тайинлаш борасида тегишли ҳужжатларни расмийлаштирди. Бироқ Қумқўрғон туман Халқ таълими бўлими мудири Баҳром Ҳакимов вилоят судининг қарори ва Халқ таълими бошқармасининг буйруғини бажаришни истамаяпти...

— Бибиражаб Сайфиддинова туман халқ таълими бўлимида 33 йилдан буён узлуксиз ишлаб келаётган эди, — деди аризачилардан бири. — Унинг пенсияга чиқишига атиги бир йил қолган эди. Мудир ана шу аёлни ҳам ишдан бўшатди. 24 май куни 3-сонли умумтаълим мактабида ўтказилган йиғилишда айрим ўқитувчиларнинг республика Бош прокурори номига ёзилган аризаси 70 дан ортиқ директорга ўқиб эшиттирилиб, сенлар ҳали мени бош прокурорга ёзадиган бўлдиларингми дея, 19-сонли мактаб директори Жаҳонгир Бадаловни йиғилишдан ҳайдаб чиқарди. Қизиқ, Бош прокурорнинг номига ёзилган ариза мудирнинг қўлида нима қилиб юрибди?..

Бу туманда Президентимизнинг бешта ташаббуси борасида ҳам айтарли иш қилингани йўқ. Ўқувчиларни қўйиб туринг, ҳатто айрим ўқитувчилар ҳам унинг мазмун-моҳиятини англаб етгани йўқ. Буни туман ҳокимининг ўринбосари Нормўмин Алланазаров бошчилигида 8 та мактабда ўтказилган текширишлар якунидан ҳам билса бўлади.

Биз шикоят аризани ўрганиш пайтида эшитган гаплар, аниқланган номаълум ишларнинг айримлари ҳақида тўхталдик холос. Чунки уларнинг кўплари жиддий тафтишни талаб этади. Вилоят прокуратураси, халқ таълими бошқармаси, Халқ таълими вазирлиги бу тумандаги мактабларда ишлаётган ўқитувчилар ва ўқиётган ёшлар манфаатидан келиб чиқиб, масалага ёндашса, адолатли иш бўларди, деб ўйлаймиз.

Абди ҚОДИРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳар бир соҳада ўзига яраша камчилик ва хатолар бўлиши табиий. Қандайдир хатони кечириш, қайси бирига тоқат қилиш мумкин. Аммо халқ таълими тизимидаги ҳар қандай катта-кичик масалага жиддий эътибор билан қараш талаб этилади. Чунки таълим соҳасида эътиборсиз қолдирилган ҳар қандай камчилик катта йўқотишларга олиб келиши мумкин. Шу боис бир савол бутун жамоатчилик назоратида бўлиши зарур: Бугун таълим тизимида кимлар фарзандларимизга билим ва тарбия бераяпти? Биз фарзандларимиз тақдирини кимларга ишониб топшириб қўйганмиз? Янада аниқ қилиб айтганда, мамлакат келажаги кимларнинг қўлида турибди?..

Халқ таълими соҳасида билимли, маданиятли, ҳалол инсонлар қанча кўп бўлса, муваффақиятларимиз шунча юқори бўлади. Акс ҳолда йўқотишлар кўпаяди, бунинг азобини бутун мамлакат тортади. Масалага ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, баҳо бериш зарур, деб ҳисоблаймиз.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Олий суд раҳбарияти ва судьялари иштирокида ОАВ вакиллари учун «Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Олий суд раиси ўринбосари Холмўмин Ёдгоров журналистлар олдида сўзга чиқар экан, кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, аҳолининг судга бўлган ишончини, қонун устуворлигини, судда адолат ва шаффофликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

Жорий йил 5 ойида 289 нафар шахс оқланган

Таъкидландики, бугунги кунда судлар томонидан ўтказилаётган сайёр судлар ва сайёр қабуллар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, ишлар маҳаллаларда сайёр суд мажлисларида кўрилаётгани аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг камайишига эришилишига кўмаклашмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, жами кўрилган ишларнинг 54,2 фоизи сайёр судларга тўғри келади.

Жорий йилнинг ўтган 5 ойида 51 минг 645 та жиноят иши биринчи инстанцияда кўрилган бўлса, шундан фақат 25 фоизига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо тайинланган. 9722 та иш бўйича озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар белгиланган.

Бугунги кунда Олий суд ва Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамоат фонди ўртасида ўзаро ҳамкорлик Меморандуми имзоланган бўлиб, мазкур жамоат ташкилотларининг кафиллик хатлари асосида судланувчиларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланмоқда.

Бундан ташқари, судларнинг ОАВ билан ҳамкорлиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган йили 4000 дан зиёд суд ишлари матбуотда ёритилган бўлса, жорий йилнинг 5 ойида 5 мингдан ортиқ суд ишлари ҳақида ОАВда жамоатчиликка тезкор ахборот берилган.

Қиёсий таҳлилларга кўра, 2018 йил биринчи ярмида судларда жами 817 минг 656 та иш кўрилган бўлса, 2019 йил 5 ойида 461 минг 100 та иш кўриб тамомланган.

Матбуот анжуманида журналистларни судларда оқлов ҳукмлари ҳақидаги масала ҳам қизиқтирди. Таъкидландики, олиб борилган ислоҳотлар, амалдаги процессуал қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, хусусан, жиноят ишларини қўшимча терговга юборишга барҳам берилгани натижасида энди судлар иш бўйича якуний адолатли қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлганлиги ва бунинг самараси сифатида 2018 йилда жами 867 нафар, 2019 йил 5 ойида 289 нафар шахс айби судда исботланмагани учун оқланган.

Анжуманда фуқаролик, маъмурий, иқтисодий судлар томонидан кўрилаётган ишлар юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Олий суд раиси ўринбосари ва судьялари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАДБИР

Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, 2018 йилда Афғонистонда кўкнори етиштириладиган майдонлар 263 минг гектарни, ишлаб чиқарилган опий миқдори 6400 тоннани ташкил этган. 2018 йилда Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан наркотрафикка қарши курашиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.Бу жараёнда гиёҳвандлик воситаларини мамлакатимизга олиб кириш йўлларини тўсиш, уларнинг нафақат республикамизда ноқонуний муомалада бўлиши, балки ҳудудимиз орқали транзит қилинишига чек қўйилди. Гиёҳвандлик моддалар билан шуғулланувчи уюшган гуруҳлар йўқ қилинди.

1 тонна 27 килограмм гиёҳвандлик моддаси ёқиб юборилди

Республикамизга афғон наркотикларини асосан Тожикистон ҳамда Қирғизистондан ҳамда тўғридан-тўғри Афғонистондан Амударё орқали олиб кириш ҳолатлари учрамоқда. Ўзбекистонда 2018 йилда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятни содир этганлиги учун ушланган шахсларнинг 46 нафарини чет эл фуқароси ташкил этади.

Давлат хавфсизлик хизмати республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ноқонуний муомаладан мусодара қилинган гиёҳвандлик воситаларини йўқ қилиш бўйича навбатдаги тадбирни ўтказди. Халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, хорижий ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари кўз ўнгида 1 тонна 27 килограмм 911 грамм гиёҳвандлик моддаси ёқиб юборилди. Бу билан миллионлаб инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ўз мухбиримиз.

ЭЪЛОН

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2019 йил 1 август куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Юнусобод тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 2-«А» уйда жойлашган, «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК ТШТТ филиали балансидаги 2017й. и/ч, д/р 01/090QCA, бошланғич нархи 229 888 455 сўм бўлган «CAPTIVA»; 2014 й. и/ч, д/р 01/710AFA, бошланғич нархи 163 025 659 сўм бўлган «CAPTIVA 2» русумли; Тошкент ш., Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 50-уйда жойлашган «CHILONZOR AVTO XIZMAT» ДУК балансидаги 2014 й. и/ч, д/р 01/978HDA, бошланғич нархи 143 803 000 сўм бўлган «KAPTIVA» русумли; Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 2-уйда жойлашган, «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «УЗМОБАЙЛ» филиали балансидаги 2017 й. и/ч, д/р 01/020YBA, бошланғич нархи 229 888 455 сўм бўлган «CAPTIVA»; 2017 й. и/ч, д/р 01/717FAA, бошланғич нархи 230 491 000 сўм бўлган «CAPTIVA» русумли; Тошкент вил., Нурафшон ш., Бобур кўчаси, 84-уйда жойлашган «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК Тошкент филиали балансидаги 2010 й. и/ч, д/р 01/232ZAA, бошланғич нархи 136 650 926 сўм бўлган «CAPTIVA» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан **2 (икки) кун** аввал соат **18-00да** тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида **20 фоизи** миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар **пайшанба** кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат **15-00да** бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 71-233-23-40; телефакс: 71-233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2019 йил 13 ва 20 июнь кунлари ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижаларига кўра, «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК ТШТТ филиали балансидаги д/р 01/665DFA бўлган «EPICA» – 57 400 000 сўмга; д/р 01/869CDA бўлган «ЭПИКА» – 57 600 000 сўмга сотилганлиги ҳамда газетанинг 2019 йил 15 январдаги 4-5-сонда берилган эълонда аукцион савдоларига қўйилган «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК ТШТТ филиали балансидаги д/р 01/664DFA бўлган «EPICA» русумли автотранспорт воситаси, ушбу ташкилотнинг 2019 йил 21 июндаги 41-01-08/2056-сонли хатига асосан ва «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК Тошкент филиали балансидаги д/р 01/890KBA бўлган «ВАЗ-21074-120-21 СПГ» русумли автотранспорт воситаси, ушбу ташкилотнинг 2019 йил 24 июндаги 42-02-27/974-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Гувоҳнома № 005357

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши жамоаси вилоят партия ташкилоти ходими **Арслон АВАЗОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси таниқли журналист, меҳнат фахрийси **Юсуф БЕКМУРОДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Об–ҳаво ва иқлим тўғрисидаги маълумотлар қанчалик пухталик билан қўлланилса, табиий офатларга шунчалик чидамлилик бўлади.

30 ИЮНЬ – 2 ИЮЛЬ КУНЛАРИ

Ўзбекистонга Туркманистон орқали Эрондан иссиқ ва қуруқ ҳаво кириб келиши оқибатида ҳаво ҳарорати одатдагидан юқори кўтарилиши кутилмоқда

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази томонидан «Об-ҳавони прогнозлаш, маълумотларни аҳолига етказиш, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик масалаларига» бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



— Табиий ҳодисалар хўжалик фаолиятига икки хил таъсир кўрсатади, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг бош директори ўринбосари Баҳриддин Нишонов.** — Табиий экологик ва гидрометеорологик офатлар бир томондан иқтисодиётга катта зарар етказса, бошқа томондан эса об-ҳаво ва иқлим тўғрисидаги аниқ маълумотлар иқтисодий самарадорликда қўшимча ресурсни шакллантиради. Яъни, корхоналар ноқулай об-ҳаво шароитлари оқибатида юзага келадиган йўқотиш ва зарарларни камайтириши, табиий муҳитнинг қулай омилларидан оқилона фойдаланиши ҳисобига даромадини ошириши мумкин. Айни дамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида об-ҳаво ва иқлим тўғрисидаги маълумотлар қанчалик пухталик билан қўлланилса, табиий офатларга шунчалик чидамли бўлади.

Ўзгидромет об-ҳаво маълумотлари сифатини янада ошириш мақсадида барча ўзгаришларни узлуксиз кузатиб, ҳар қандай ноқулай об-ҳавони рўйхатга олиб бормоқда. Ушбу маълумотлар улардан манфаатдор бўлган ишлаб чиқариш корхоналари ва фермер хўжаликлари ўртасида тарқатилмоқда. Бугунги кунда Ўзгидромет таркибида 86 метео ва 19 гидрологик станция фаолият юритади. Уларга 133 гидропост ва 3 махсус кўл станцияси, 33 агрометеорологик пост бириктирилган. Бундан ташқари, 12 авиация метеостанция, 1 баланд метеокомплекс ва фонли мониторинг станцияси ҳам маҳаллий метеорологлар ихтиёрида.

Мазкур станциялар нафақат маҳаллий, балки минтақавий ва глобал прогнозларни тузишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Масалан, уларнинг учтаси Жаҳон метеорологик ташкилоти (ЖМТ) томонидан узоқ муддатли кузатув станциялари сифатида эътироф этилиб, ЖМТ сертификатларига эга.

Хусусан, Ўзгидромет Жаҳон об-ҳаво метеорология хизматининг минтақавий метеорология марказидир. Шунингдек, Тошкент 1967 йилдан буён Марказий Осиё мамлакатлари учун минтақавий махсус метеорологик марказ ҳисобланади. Яқин Шарқ бўйича метеорологик маълумотларни йиғади. Ушбу маълумотлар энг замонавий технологиялар, жумладан, ер атмосферасининг юқори қатламларини йўлдош орқали тасвирга олинган суратларини компьютерда таҳлил қилиш ёрдамида олинади.

Айни пайтда Ўзгидромет томонидан 200 дан зиёд турдаги таҳлилий ва прогноз маҳсулотлари тарқатилмоқда. Уларнинг қаторида хавфли ҳодисалар юзага келиши тўғрисидаги огоҳлантиришлар муҳим ўрин тутади. Жумладан, хавфли гидрометеорологик ҳодисанинг намоён бўлишига қараб тегишли вазирлик ва идораларга огоҳлантиришлар етказилади. Шунингдек, хавфли гидрометеорологик ҳодисалар эҳтимоли мавжуд бўлган ҳолатларда хавфли ва ўта хавфли ҳодисалар, яъни кўчки ва сел хавфи тўғрисида шторм огоҳлантиришлари чиқарилади.

Яна шуни айтиб ўтмоқчи эдим. Бугун кўпчиликни июль ойининг об-ҳавоси қандай бўлиши қизиқтиради. Шу боисдан июнь ойининг сўнгги кунлари ва июль ойининг биринчи ва иккинчи кунларининг об-ҳавоси қандай бўлиши тўғрисида маълумот бермоқчиман. Бу каби қисқа кунлар бўйича ахборот беришимнинг сабаби, узоғи билан уч кунлик маълумотларнинг аниқлик даражаси юқори бўлади, — деди **Баҳриддин Нишонов.** Хусусан, 30 июнь – 2 июль кунлари Ўзбекистонга Туркманистон орқали Эрондан иссиқ ва қуруқ ҳаво кириб келиши оқибатида 30 июнь – 1 июль кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилоятида, 1-2 июль кунлари республиканинг қолган ҳудудларида ўртача ҳароратдан 5-7° даража юқори аномал иссиқ бўлиши кутилмоқда. Шунингдек, кундузи ҳаво ҳарорати шимолда +40 даражадан +43 даражагача, жануб ва чўл зонасида иссиқ об-ҳаво +44 — +45 даражагача кўтарилиши ҳамда Бухоро, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарёда гармсел шамоли кузатилиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

Шу боисдан ҳам юқорида айтилган кунлари қуёш нури 12:00 дан 16:00 гача жуда ҳам фаол ҳолатда бўлишини ҳисобга олиб, ушбу вақт оралиғида ташқарига чиқишга тўғри келса, тананинг очиқ жойларини қуёш нуридан сақлашга ҳаракат қилиш зарур.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Иркутск вилоятида сув тошқинлари

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Иркутскдаги сув тошқинларида Ўзбекистон фуқаролари жароҳатланмаганлиги тўғрисида маълумот берди.

Дамба ўпирилиши оқибатида сувга ғарқ бўлган Тулун шаҳрининг кўринишидан лавҳа.

Иркутск вилояти ҳудудида қатор аҳоли пунктлари, турар-жой ва инфратузилмадаги сув тошқини муносабати билан «фавқулодда ҳолат» жорий қилинди.

Бу ҳақда Ўзбекистоннинг Новосибирск шаҳридаги бош консулхонаси берган маълумотга асосланиб Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати хабар берди.

Ташқи ишлар вазирлигининг билдиришича, жароҳатланганлар орасида Ўзбекистон фуқаролари қайд этилмаган.

Консуллик-ҳуқуқий департаменти Россиянинг Сибир федерал округи (Бурят Республикаси, Иркутск вилояти, Ҳакас Республикаси, Красноярск ўлкаси, Кемерово вилояти, Новосибирск вилояти, Олтой Республикаси, Олтой ўлкаси, Омск вилояти, Томск вилояти, Тува Республикаси, Забайкаль ўлкаси) ҳудудида бўлиб турган фуқароларимиз зарур вазиятларда мамлакатимизнинг Новосибирск шаҳридаги бош консулхонасига + 7 (383) 246-04-85; 246-04-63, 246-04-64; 246-04-84 телефон рақамлари орқали мурожаат қилишлари мумкинлигини эслатиб ўтади.

Маълумотларга кўра, Россиянинг Иркутск вилоятида 1,7 мингдан ортиқ уй сув остида қолмоқда. Бу ҳақда РиА Новости хабар бермоқда.

Ушбу хабарга қараганда, Иркутскнинг 5 та муниципиал тумани — Тулунск, Чунск, Нижнеудинск, Тайшетск ва Зиминскда ёмғирдан кейинги тошқинлар сабабли 4,2 минг уй зиён кўрган. Бу уйларда 10,4 минг киши яшарди. Ҳозирда 15 та вақтинчалик турар-жой пунктларида 1,3 минг киши қолмоқда.

Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлиги маълумотига қараганда, ҳудудда 5 киши тошқин сабабли қурбон бўлган, яна 100 дан ортиқ киши шифохонага ётқизилган.

Иркутск вилоятида қузатилган кучли ёмғир учта дарё сувининг ўзанидан тошишига олиб келган.

Ҳудудда фавқулодда ҳолат жорий қилинган. 31 аҳоли яшаш пунктида электроэнергия ўчиб қолган. 29 июнь куни тонгда сув тошқини 3,8 минг уйга зарар етказган.

Энг оғир вазият 40 минг киши яшовчи Тулун шаҳрида кузатилмоқда. Айни вақтда бу ерда 900 уй сув остида қолган.

28 июнь куни Ия дарёсидаги ҳимоя дамбаси ўпирилиб кетганидан кейин қутқарувчилар эвакуация ишларини бошлаган.

Ўша куни кечқурун сув тошқини баландлиги 12 метрга етган. Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қайд этишича, бир-икки кун ичида вазият янада оғирлашади.

Ҳозир Тулунда автомобиль станциясини сув босган ҳамда жамоат транспорти ҳаракатланмаяпти. Ушбу ҳодиса оқибатида юзлаб одамлар вақтинча яшаш жойларга кўчирилмоқда, 20 нафарга яқин киши эса касалхонада.

Дилдора ЙЎЛДОШЕВА
тайёрлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЕМММ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.
Андижон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.
Нукус шаҳри, Ерназар Алақўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.
Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.
Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.
Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.
Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.
Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.
Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.
Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА«

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

- Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- Ямобуры.
- Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Ulug'bek INOYATOV, Ulug'bek VAFOYEV, Mahmud TOIR, Qalandar ABDURAHMONOV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Shuhrat JALILOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), To'lqin TO'RAXONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000,Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 751. 3591 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:30.
Topshirilgan vaqti — 01:20.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchi: Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.
12 456